



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 13-iyul №29 (4479)

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Шу йилнинг 7-8 август кунлари Тошкентда
“Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини
халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб
қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида
халқаро конференция бўлиб ўтади.



БАДИЙ ТАРЖИМА:

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Мумтоз ва замонавий адабиётимиз тарғиботида ба-
дий таржиманинг, адабий алоқаларнинг ўрни бекиёс.
Тарихга назар ташласак, таржима адабиёти Ватан ада-
биёти билан вобаста тараққий этиб келганига гувоҳ бўла-

йўқ. Айни пайтда ҳам жаҳон адабиётининг номдор адиб-
лари асарлари тилимизга мунтазам таржима қилиниб келин-
моқда. Айниқса, мустақиллик йилларида Ватанимизда тар-
жима адабиётига эътибор янада ортди. “Жаҳон адабиёти”

Халқаро анжуман олдида

журнали ўтган йигирма йил
ичида чет эл адабиёти билан
ўзбек китобхонини таништи-
ришда жонбозлик кўрсатди.

Бу йилларда устоз таржимонларнинг шижоатли меҳнати ту-
файли жаҳон адабиётининг ўнлаб намуналари китоб жа-
вонимиздан ўрин олди.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда билвосита таржима
амалиётдан бевосита таржима амалиётига ўтиш даври
бошланди. Бевосита аслиятдан таржима қилаётган ма-
ҳоратли таржимонларимизнинг меҳнати кўзга кўрина бош-
лади. Чунончи, Бегийм Холбекова, Алишер Отабоев,
Ойбек Остонов, Аъзам Обидов ўз таржималари билан
жамоатчиликка танилдилар. Кейинги пайтда бадий
таржимага иштиёқи баланд ёшларнинг бўй кўрсата
бошлагани ҳам мамнуният ҳиссини уйғотади.

► 3



► 2018 йил 9 июль. “Ўзбекистон Республикаси Савдо-
саноат палатаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон
қилинди.

► 9 июль. “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси
Қонуни матбуотда эълон қилинди.

► 10 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда атом
энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник
тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган
йиғилиш ўтказилди.

► 10 июль. Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“БУХОРО-АГРО” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

► Дунёга машҳур «lonely Planet» журналида “Осиёдаги
саёҳат учун энг мақбул жойлар рейтинг”и эълон қилинди.
Ўзбекистон илк бор ушбу рўйхатга киритилиб, Жанубий
Кореядан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

► Нукус халқаро аэропортида олиб борилган реконструкция
ишлари низоҳасига етди. Натيجида соатига 400 нафар
йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди.



Уюшма фаолиятидан

ЛЕСЯ УКРАИНКАНИНГ «МАРВАРИД ЁШЛАР»И

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Украина элчихонаси
ҳамкорлигида 2018 йил 10 июль куни украин шоираси Леся
Украинканинг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари
тўплами — “Марварид ёшлар” китоби тақдимоти ўтказилди.

Тадбирда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, кенг
жамоатчилик вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбо-
сари Минҳожиддин Мирзо, Украинанинг мамлакатимиздаги
Фавкуллода ва мухтор элчиси Юрий Савченко, “Жаҳон адабиёти”
журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ва бошқалар ўзбек
ва украин халқлари дўстлигини мустаҳкамлашда адабиётнинг
аҳамияти бекиёс эканини таъкидлади. Леся Украинка ижоди
ҳақида тўхталиб, унинг шеърларида халқига, ватанига муҳаббати
яққол сезилиб туришини алоҳида қайд этди.



ЖИЗЗАХ ЖАМОЛИ

(Жиззах шаҳар Халқ қабулхонасида)

Юртбошимиз ташаббуси
билан ташкил этилган Халқ
қабулхоналари ҳамиша
гавжум. Кўпчилик арзу ҳол
билан, бировлар таклиф
билан. Муаммолар ҳоким
бошчилигидаги тегишли
ташкilotлар раҳбарлари
иштирокида ҳал қилинади.
Жиззах шаҳар ҳокими
Акбар Шукуров

етақчилигидаги масъуллар шаҳарнинг
энг гавжум маҳалласида ҳозир
бўлишди. 34 маҳалла тўртта ҳудудга
тақсимланган, туман раҳбарлари ҳар
бир ҳудудни назоратга олганлар.
Навбатдаги қабул шаҳар ҳокими
назоратидаги тўққиз маҳалладан бири
— Қалия маҳалласида ташкил этилди.
Жиззах вилоятини ободонлаштириш
учун Президентимиз 91 миллион АҚШ
доллари ажратган. Шундан 450
миллиард сўм аҳолини тоза ичимлик
суви билан таъминлашга йўналтирилган.
Яқинда янги боғча биноси
фойдаланишга топширилди.
Замонавий жиҳозлар билан безатилган
бу масканда эл фарзандлари соғлом
ўсиб-ўлғайишлари учун барча шароит
муҳайё қилинган. “Ўзбекистон”
меҳмонхонаси таъмираниб,



сайёҳларга хизмат кўрсатиш
учун тайёр ҳолатга
келтирилди. Янги уй-жой
иситмаси ошқор қилади. Бу борада
куз ва киш мавсумини яхши
ўтказиш учун ҳозирлик
кўрилмоқда. Шаҳарни озода
саклаш, чиқиндилардан
тозалаш мақсадида “Эко
хаус” ташкилоти тузилди ва
иш бошлади.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Ички
йўллари таъмирлаш, асфальт
қилишимиз керак. Камчиликларни
яширишга ҳаққимиз йўқ. Яширсак
иситмаси ошқор қилади. Бу борада
биттагина йўлимиз бор: биргалишиб
муаммоларни ҳал қилиш! Жиззахнинг
тарихи бой, Шароф Рашидовдек
буюк жамоат арбоби, Ҳамид
Олимжон, Сарвар Азимов ва
Назир Сафаров каби ёзувчилар шу
заминнинг фарзандлари. Эртага
келажакнинг кўзига ёруғ юз билан
боқиб туриш учун бугун ҳаракат
қилишимиз керак. Жиззахнинг
тақдири бизнинг қўлимизда экан, уни
ғўзалликда тенги йўқ масканга
айлантиришимиз зарур.

► 2

Зомин семинари

УСТОЗЛАР НИГОҲИДА

Алвал хабар қилганимиздек, сўлим Зомин тоғлари
оғушидаги Ўрикисой боғида жорий йилнинг 5-7 июль
куналари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси,
Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ёш ижодкор-
ларнинг анъанавий Республика семинари бўлиб ўтди.
Унда мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республика-
си, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан саксон нафардан
зиёд умидли ёшлар адабиётимизнинг барча жанрлари
бўйича ўз ижод маҳсуллари билан иштирок этдилар.
Номдор ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос ва драма-
турглар, таниқли публицистлар маҳорат дарсларидан
сабоқ олишди. Зоминнинг дурвиқор тоғлари бағрида
Она табият ғўзалликларидан баҳраманда бўдилар. Ха-
барингиз бор, газетамизнинг ўтган сонларида минтақа-
вий семинарлар иштирокчиларининг сараланган ижод
намуналаридан ҳам туржум шеърлар, наصريй қораламалар,
адабий мақолалар мунтазам эълон қилинган эди.

Тадбир доирасида Ёзувчилар уюшмаси Жиззах ви-
лояти бўлими қошидаги «Қақнус» адабий тўғарги аъзо-
лари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижод мактаби ўқув-
чилари вакиллари иштирок этиш ва чиқишлари диқ-
қатга сазовор бўлди. Айниқса, ижод мактабининг
6-синф ўқувчиси Висола Турсунованинг «Ўзбекистон»
шеърини она тили, сўнгра ўз таржимасида инглиз ти-
лида ўқиб бергани семинар иштирокчиларида катта
таассурот қолдирди.

Қуйида ушбу семинарнинг самаралари, давлатимиз
раҳбари таъкидлаганидек, азму шижоатли ёшларни тар-
биялаб вояга етказишда, ноёб истеъдод соҳибларини
қўллаб-қувватлашда устоз-шогирд анъаналарининг аҳами-
яти ҳақида таниқли ижодкорларнинг ҳолис фикрлари-
ни эътиборингизга ҳавола этамиз.

► 4

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

ОСМОН МИНОРАЛАРИ

Муборак газни қайта ишлаш заводи иш бошлаганига яқинда
ярим аср тўлади. Албатта, қандай ақл, тафаккур айтиш
шуд ҳудудда улкан хазинанинг калити яширинганини тахмин
қилган ва бутун бир пахлавон саноат корхонаси шунда қад
кўтарган — буни инкишоф этиш мушкул, аммо айнан шу
жойларда бир кичик маскан бўлганини ва бу жой, эҳтимол,
Буюк ипак йўлида қатнайдиған карвонлар учун қўналга бўлиб
хизмат қилганини илмий фараз қилиш мумкин: бир пайтлар
Қашқадарё ўзани шу жойларгача етиб келган ва дарё
ёқасида кичкина шаҳарча қад кўтарган. Унинг мавқеини эса
олис Ироқнинг Ҳийт шаҳридан келтирилган авлиёнинг қабр
тупроғи устига кўтарилган мақбара белгилаб тургандир. Ҳа,
зиёратгоҳга қўл етатидиган жойда улкан завод қад кўтарган.

Бир замонлар соҳибқирон Амир
Темур бепоян саҳролардан ўтиб кета-
туриб, ялангликда тошдан минора кўта-
ради ва унга ўз юришининг шарқини
ёздиради. Йиллар ўтиб, худди шу жой-
да Бойқўнғир космодроми пайдо бўла-
ди, бу манзил инсоннинг космосга илк
қадам қўйишида старт майдони бўлган
ни билан инсоният пешволаридан бири,
Умумийлик шундаки, илмий манбалар-
нинг тасдиқлашича, Ҳийт шаҳридан ҳам
Ҳадис илмининг пешволаридан бири,
хатто Имом Бухорийнинг ҳам илк устоз-
ларидан ҳисобланган Абдуллоҳ ибн Му-
борақ ал-Марвазийнинг табаррук хоки-
ни Амир Темур ҳазратлари келтириб, шу
жойда дафн қилишни ихтиёр этган экан-
лар. Энди, бу ҳақиқатлар қаршида
хайратланишдан бошқа чора йўқ.



► 2

Бошланиши биринчи саҳифада.

Муборак газни қайта ишлаш заводи-нинг иш тартиби қуйидаги тўртта йўналишга ихтисослашган: табиий газни олтингугуртли бирикмалардан тозалайди ва қуритади; техникавий олтингугурт ишлаб чиқаради; барқарорлашган газ конденсатини ишлаб чиқаради; суюлтирилган газ ишлаб чиқаради. Гарчи таърифлар тўрт-беш қаторга сиғиб кетса-да, корхонанинг бутун фаолиятини тасаввур қилиш учун хаёл тизгинини анча қўйиб юборишга тўғри келади. Аввало, бугунги тирикчилик маромидга газ қанчалик зарурлигини чамалаб қўрайлик-да, унинг ўқоларимизда ишлатишга яроқли ҳолга келгунча

тадбирлар тўғрисида "ги қарорига асосан алоҳида лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишда тўлов олинмайди. Дастлабки ва якуний техник-иқтисодий асосларни комплекс экспертиза қилиш учун тўланадиган ҳақ миқдори тўрт баробарга қисқартирилади.

Яратилаётган қулай инвестиция муҳити, умуман, ишлаб чиқаришнинг рағбатлантирилиши ҳисобига кейинги икки йилда завод фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бераётганини рақамлар кўрсатиб турибди. Масалан, ўтган йил якунида суюлтирилган газ сотиш режаси 111,4 фоизга уддаланган бўлса, бу йил ярим йиллик натижаси 177 фоизга тенг бўлмокда. Ёки олтингугурт маҳсулотини АҚШ

бошлиғи. 33 йиллик меҳнат қаолияти унинг кўз олдида газета саҳифаларидек очик турибди. Охириги йилларда ходимлар таркиби маҳаллий ёшлар ҳисобидан янгиланиб борди. Улар ҳар қандай технологик жараёни мукамал бажара олишларини амалда кўрсатиб келмокдалар. Меҳнатга яраша эътироф ҳам юқори даражада. Масалан, узоқ йиллар оддий темирчи бўлиб ишлаган Ҳидойи, камтар инсон Қобил Мўминов Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Меҳнатидан шуҳрат топган бундай кишилар МЧЖда қўллаб топилади.

— Умуман, корхонамизда ишчилар манфаатини муҳофаза қилиш бош масала

ЖИЗЗАХ ЖАМОАИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Қабул гуруҳи ўз ишини бошлади. Арзга келганлар 50 нафардан кўп эди. Турфа хил тақдирлар, турфа илинжу илтимослар. Одамлар йиллар бўйи йиғилган дардларига дармон топишига ишонадилар.

— Отам ногирон, онам ишламайди, оилада олти фарзандмиз. Мен каттасиман, амакимнинг уйида рўйхатда тураимиз. Ўзим усталик қиламан. Агар бизга ер майдони берилса, укаларим билан уй тиклаб олардик, — дейди фуқаро Жаҳонгир Тожиқов.

— Нима иш қиласиз?

— Ўзим устаман. Аммо ишсизман. Бўш идишларни йиғаман.

— Бир ойда қанча пул топасиз?

— Урта ҳисобда 700-800 минг сўм.

— Ҳам уйли, ҳам ишли бўлишга розимисиз? Бўш иш ўринлари бор. Ким ошди савдоси орқали (жуда оз — 300 ёки 400 минг сўм атрофида пул тўланади). "Сайхан" кўрғонидан ер ажратиб берамиз, — деди ҳоким.

Уста йигит хурсанд бўлиб розилик билдирди. Биринчи гуруҳ ногирони, ҳарбий нафақадаги Бердиёр Туратов хизмат уйида яшар экан. Қарамоғидаги болалар бирин-кетин бўй етиб келаётгани, ўлимини уйлантириш арафасида тургани учун у ҳам ер — жой сўраб келибди.

— Сизга "Жилли ғулли"да қурилаётган тайёр уйлардан берамиз, розимисиз?

— Албатта, розиман, раҳмат, — деди кекса ҳарбий.

Навбатдаги киши оилавий корхона тузиб, чинни ишлаб чиқарар экан. Корхонаси учун жой ажратиб беришларини сўраб келибди. Унга танлов орқали жой берилиши тушунтирилди. Аризачи тушунди ва рози бўлди.

— Сўхбатларингизни тинглаб жонланиб кетдим. Мен тиббиёт ходимиман. Халқ табибларини ўргандим, сертификатим бор. Инсон организмни тозалаш ва скипидар ваннасини қўллаш йўли билан кўплаб ка-

булардан хурсандмиз. Энди кўчамизни асфальт қилиб берсангиз. Ва яна бозордаги гўшт нархини бир хил сақлашга ёрдам беринг. Биламан, Сизнинг қўлингиздан келади, — деди отахон.

Ҳоким учрашув бошида кўчаларни асфальт қилиш ва чиқиндилардан тозалаш ҳақидаги режаларни айтган эди. Аммо гўшт масаласи анча муаммо. "Мен мол сотиб олиш учун пул бераман. Бир кўринглар-чи, бозордаги нархдан арзон бўлармикин" деб ҳокимлик ходимларига топшириқ берди.

— Қўлни ташланг, — деди отахон ишонч билан. Ҳоким қўлини узатди. Отахон маҳалладошларидан суюнчи олгани шошиб чиқиб кетди.

Қабул давом этмокда. Кимдир ростдан қўллаб-қувватлашга муҳтож, кимдир сўрайверишни касб қилган... Аммо ҳоким барчага бирдек муносабатда. Юртбошимизнинг халқни рози қилиш керак, деган сиёсати амалда.

— Шаҳарнинг тўртта жойида сайёр қабулхоналар ташкил қилинган. Халқнинг ҳузурига ўзимиз борамиз. Бу аризабозликлар қамайишига, одамлар орасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга, жиноятлар қамайишига олиб келмокда, — дейди шаҳар прокурори Бехзод Хайдаров.

Адолатли қабул одамлар кўнглини обод қилади, ҳаётдан мамнун бўлиб яшаш ҳиссиётларини мустаҳкамлайди.

Шаҳар ҳокими ўринбосари Ҳалима Нигматова ва Олмазор маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси мутахассиси Офтобхон Нишонава билан шаҳар айландик.

Шароф Рашидовнинг маҳобатли ҳайкалини зиёрат қилиб, атрофидаги боғни ҳузурлиб томоша қиламиз. Ноёб дараклар, чор тарафга ифори таралиб турган турфа гуллар, яшил майдон.

— Кечкурунлари бу майдонда одам тўлиб кетади. Жиззахликлар болалари билан келиб сайр қилишди. Бир кун эрта тонгда ишга кетаётсам, бир гуруҳ отахонлар майдоннинг баъзи жойларини саришталаб



салликларни даволайман. Менга иш олиб боришим учун хоналар керак, — деди ўзини Малҳот Шобўтаева деб таништирган аёл.

Ҳоким ишчи гуруҳ аъзоси, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг фикрини сўради. У шифо-хонадан иккита бўш хона ажратиб беришини айтди. Аёл хурсанд бўлиб кетди.

Фалсафа фанлари номзоди Зухраҳон Бозорбоева боғдорчилик билан ҳам қизикар экан. Уйининг ёнида 35 сотих ташландик ер бор — шу ерни тозалаб, интенсив боғ яратаман, деб келибди. Ҳоким бошқа жойдан, кўпроқ ер берамиз, деб тақлиф қилди. Уйининг ёнидаги жой қулай, деди муаллима. Ернинг ҳолати ҳақида шаҳар архитектори маълумот берди. Ер опага бериладиган бўлди. Боғ ишчибози рози бўлиб, миннатдорлик билдирди.

"Оққўрғонлик" маҳалласида истикомат қилувчи Азиз Султонов 7 фоизли кредит олиб, чорвачилик билан шуғулланмокчи. Мутахассислар фикри ўрганилди. Қулайроғи паррандачилик экан. Банк бошқаруви кредит беришни зиммасига олди.

Исмоилова Ёдгора ногирон бўлишига қарамай, тикувчилик корхонаси очган. Иш қўламини кенгайтириш учун 7 миллион сўм 7 фоизли кредит олишга кўмак сўраб келибди. Унинг илтимоси ҳам қондирилди.

— Мени боқинглар, демасди. Ногирон ҳолига бошқалар учун ҳам ишчи ўрин яратмокда, қаранг-а, шиддатини! — деди ҳоким Ёдгора хонадан чиқиб кетган, — Кредитни тезроқ ҳал қилиб беринглар, дея банк ходимларига мурожаат қилди.

— Мен Қалия маҳалласида яшайман, — дейди 85 ёшли кекса ўзини таништириб, — Маҳалламизга келганингизни эшитиб, чопиб келдим. Газ ва чироқ муаммолари ҳал бўлди. Ночорларга уйлар берилмокда.

юришганига дуч келдим, — дейди Ҳалимаҳон Нигматова.

— Хорманглар! Тонгдан ҳашар қиялпсизларми, — дедим.

— Барака толгур Президентимиз боғ яратиб, Шароф отанинг ҳайкалини тиклаб берса-ю, бизлар бу муҳаддас жойни янада обод қилмасак уят бўлади. Ёшларимизга Ватан меҳроб эканини англатишимиз керак, — дейишди. Нуронийлар саховатидан тўлқинланиб кетдим.

Майдонга туташ Зулфия ва Ҳамид Олимжон ҳайкали атрофида ҳам бир-биридан нафис гуллар, ниҳоллар. Навқирон Ҳамид Олимжон оппоқ кийимда тик турибди. Зулфияҳоним гуллаган ўрик шохини тутиб, хаёлга чўмган... Бир зум жим қоламиз.

— Оқ кийимда шоирнинг руҳи тасвирланган. У руҳ ҳамиша Зулфия опа билан бирга. Қалбида, шеъринида яшаган. Уларни ўлим ҳам айира олмаган, — дейди Ҳалимаҳон.

— Тошкентнинг энг барно, энг ғўзал, нозиктаб шоирасини Жиззахга келин қилиб келтирган Алпомиш йигитларинг билан фахрлансангизлар арзийди, — дейман ҳавасим келиб.

Кейин шоирлар музейи, нуронийлар маскани, Халқ кутубхонасини зиёрат қиламиз. Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги адабиётчилар мактабига кирдик. Ўқувчилар ёзги таътилда. Мактабга ўқувчилар бешинчи синфдан бошлаб, тест асосида танабб оллинаркан. Ҳар йили синовда ғолиб бўлган ўттиз нафар ёшлар иқтидорли адабиётчилар сафига қўшилиди. 75 ўринли ошхона, 100 ўринли ётоқхона, 100 ўринли фаоллар зали. Шу йилнинг ўзида уч нафар иқтидорли ёшларнинг китоби нашр қилинибди.

— Маҳаллалар обод, одамларнинг савоб иш қилишга, китоб ўқишга қизиқишлари ортмокда, — дейди Офтобхон. Китоб бурчагимиз бор. Нуронийлар иззатда, уларнинг маслаҳатларини оламиз.

Ибратли кексалар ҳақида гап борди. Ҳалимаҳоннинг кистови билан Офтобхон ўз ота-онаси ҳақида сўз бошлади.

— Отажоним 85, онажоним 84 ёшдалар. Отамнинг касби темирчи, онам — Қаҳрамон она. Оилада беш ўғил, беш қиз улғайдик. Ота-онам тўйларга бирга боришди, бирга рақсга тушишди. Онам қизлари ва келинларига болаларнинг олдида ҳеч қачон эрингизининг камчиликларини айтманг, деб ўғит беришди. — Чиройли бўламан десанглар — кўп мева енглар...

Отам — Мурод Оқиллов ҳеч қачон бекор ўтирмайди. Ўғиллари ишланган, дейишса ҳам, сўраб келганларга кетмон, ўроқ, теша ясаб берадилар. Эл қорига ярайман, шукр, дейдилар. Ҳозир ҳам велосипед миниб юрадилар. Отам:

"Ҳеч қачон кўзингизни ёшини бировга кўрсатма. Қорним оч, деб ҳар хил овқатни ема; Ҳар қимнинг олдида ҳар нарсга дема; Оиланинг шаънини эркаклар ҳимоя қилади, аёллар муштлар бўлади", — деб на-сихат қилади.

Айни кунларда бунёд этилаётган "Ёшлар шаҳарчаси"да ҳам бўлди. Тўққиз қаавати замонавий уйлар ёнида Жиззах давлат педагогика институти, Китоб дукони...

Жиззахдаги олий ўқув юртида 11 872 нафар, лицей ва коллежларда 17 000 га яқин талаба, мактабларда 30 мингга яқин ўқувчи таҳсил олмокда. "Ёшлар шаҳарчаси" ана шу ёшларнинг сеvimли маънавият масканига айланади.

Ҳосият БОБОМУРОДОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ОСМОН МИНОРАЛАРИ

бўлган жараёни мушоҳада қилишга уринайлик.

Шуниси борки, бу ёнигли табиатда соф ҳолда учрамайди. Унга турли минераллар табиий равишда аралашган бўлади. Газнинг техник тайёр маҳсулот ҳолига келиши эса бир қанча мураккаб босқичлардан иборат. Ҳом ашё баъзан улкан резервуарларда сақланади, гоҳида игнанинг кўзидек тиркишдан ўтказилиб тозаланади, баъзан тошни ҳам эритадиган ҳароратда қизитилса, гоҳ ҳавонинг ҳам тош қотирадиган совуқликда музлантилади, кучли босим билан гоҳ кенгайтирилади, гоҳ қисилади. Бу жараёнларнинг кетма-кетлиги ва суръати-аниқлиги илмий йўл билан кашф қилинган. Бирон бўғиндаги қичкина нуксон ҳам сифатга жиддий таъсир кўрсатади.

Биз, аввало, бир неча юз гектарни иш-ғол қилган ана шундай пахлавон корхонанинг бугунги фаолияти билан қизикдик.

— Албатта, илғор технологияларни жорий этмасдан муваффақиятга эришиб бўлмаслиги исботланган ҳақиқат. Бу мақсадга эса энг сўнгги инновацион ғояларни татбиқ этмаслик қармоқ билан кит овлашга уринишдай гап, — дея сўзини бошлайди тадқиқот, янги маҳсулотларни жорий этиш, инвестицияларни жалб этиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўлими етакчи муҳандиси Бобур Қодиров. — Таассуфки, биз бу борада анча сусткашликка йўл қўйган эканмиз. Бўлимимиз март ойида ташкил этилган бўлса-да, натижалар аллақачон кўзга ташлана бошлади.

Янги ғоялар ўз номи билан янгилик. Янгилик эса осонлик билан қабул қилинмайди. Тайёр, далайланган инновацион тақлифларнинг жорий этилиши ҳам шундай. Ишлаб чиқаришга жорий этишни тавсия қилиш учун эксперт комиссиясига берилган лойиҳалар ойлаб, ҳатто йиллаб галадонларда муҳомамага чиқарилмай ётарди. Чунки масъулиятни бўйнига оладиган валломат топилавермасди ёки янгиликка унчалик ҳам рағбат билдирилавермасди. Холбуки, экспертиза харажатлари учун олдиндан катта миқдорда маблағ тўлаб қўйилган бўларди.

— Жорий йилнинг 21 июнида Президент Шавкат Мирзиёев селектор йиғилиши ўтказди, — дейди янгиликдан мамнун Бобур Қодиров. — Энди бюрократик тўсиқлар олиб ташланадиган бўлди. Йиллаб кутиладиган экспертиза муҳомамалари Президент ҳузурида нуфузли комиссия иштирокида ўтади, масала жадал ҳал бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 июндаги "Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-

долларига сотиш режаси ҳам 179 фоизга уддаланган. Жамоа олтингугурт маҳсулотини экспорт қилиш режаси охириги беш йилликда биринчи марта муваффақиятли бажарилганини фахр билан таъкидламокда.

Қолаверса, юртимизда кечаётган ижобий ўзгаришлар туфайли инвестициялар оқими кучаймокда, хориждан тайёр, бозорбоп маҳсулотларга харидорлар сони ортмокда. Туркия, Хитой, Швеция, БАА, Покистон, Қирғизистондан вақиллар келиб, олтингугурт харид қилиш истагини билдирмокда. Албатта, йилига тўрт юз минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводнинг ишлари юришиб кетишидан бутун мамлакат ахли манфаатдор. Зеро, бу завод газдан олтингугурт ажратиб олишга ихтисослашган дунёдаги нодир корхоналардан бири.

Техника бўлимининг бошлиғи Хусан Беков ҳар йили пойтахтда ташкил қилинадиган инновацион ғоялар ярмаркасининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Завод маъмурияти унда фаол иштирок этиш билан бирга яқин ва узоқ хориждаги ҳамкорлар билан шерикчилик шартномаларини имзолайди. Ўзинчи марта ташкил қилинган мазкур ярмарка корхона фаолиятини замонавий асосларга кўчиришда кўплаб фойдали ғоялар берди, ҳамкорлар топишга кўмаклашди. Жумладан, Сингапурнинг "Интер инжиниринг" компанияси инвестицияси ҳисобидан йилига 280 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарадиган технологик қурилма бунёд этилапти. Унда энг замонавий технологиялар, масалан, "Клаус усули"да олтингугурт олиш қурилмаси ўрнатилди.

Хусан Беков тақдир "Муборак газни қайта ишлаш заводи" МЧЖ билан боғланган минглаб кишилардан бири. У ўқиниш битириб, шу ерга ишга келди, дастлаб оператор, катта оператор, қурилма бошлиғи бўлиб ишлади, ҳар жихатдан тобланди, айни пайтда бўлим

кистон бўйлаб саёҳат қил!" акцияси бўйича ишчи-ходимлардан Самарқанд шаҳрига 225 нафар, Шахрисабзга 300 нафар, Хоразм вилоятига 100 нафар, Қарши шаҳрига 50 нафар, Бухоро шаҳрига 25 нафар киши турист сифатида бориб келди.

Корхона тасарруфида "Муборак-текст", "Муборак-экохаёт", "Табиий тоза" масъулияти чекланган жамиятлар тузилди. Муборак туманида йилига жами 8 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқарадиган фабриканинг қурилиши жадал олиб борилмокда. Бу билан юзлаб йигит-қизлар иш билан таъминланади.

Корхонани ривожлантиришнинг истикболли режасида энергия тежамкорлигига эришиб бўйича аниқ тақлифлар мавжуд. Жумладан, чет эл инвесторлари билан бўшма корхоналар ташкил қилиш ва божхона, солиқ йўналишлари бўйича энергия тежамкорлиги учун имтиёзлар яратиш мақсадида узоқ муддатли (10 йилгача) кам фоизли (3 фоизгача) имтиёзли кредитлар ажратишни таъминлаш; энергия тежамкорлигида иштирок этган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги 2008 йил 15 декабрдаги стандартларни қайта кўриб чиқишни даврнинг ўзи талаб қилмокда.

...Шинам хонадаги сўхбат узоқ давом этди. Сўхбатдошларнинг бамаъни мулоҳазаларидан улкан корхонада бир вақтнинг ўзида ҳам жўшқин меҳнат давом этаётганини, ҳам янгилинишлар жараёни кечаётганини ҳис этдик. Корхона жамоасининг кайфияти бугунги ўзгаришлар, тараққиёт руҳига мос. Гўё фалакка интилган осмон миноралари янги қут-барака ва фаровонлик ҳада этишга чоғлангандек, яна ҳам қудратли ва ишонч билан гўялаётгандек туюлди. Муазам замин эса ўзининг чўнг елкасида кечаётган янгиликлардан мамнундек бепоён бағрини қафтдек тутиб турибди.

ҲАКИМ САТТОРИЙ

ИЖОДКОР СОҒЛИГИДАН КўНГЛИ ТўҚ БўЛСА...

Халқимиз азалдан ижодкорнинг иззат-ҳурматини жойига қўйган. Соҳибқирон Амир Темирнинг "Ёзилган китоблар бунёд этилган иншоотлардан ҳам кўпроқ яшайди", деган сўзлари қалам аҳлига бўлган меҳр-мурувват ифодаси ўлароқ тарихда дарж этилган.

— Тани сихатлик ва руҳан тетиклик — яхши асарлар яратишнинг бош омил, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси раҳбари, олий тоифали шифокор Анвар Ражабов. — Ҳаётдан завқланувчи адиб ёзган асар ҳам завқ билан ўқилади. Турмуши ва соғлиғидан кўнгли тўқ ёзувчи асарининг мағзи тўқ бўлади. Шу боис, ҳар бир ходим бу ерга келувчи мижознинг кайфияти аъло бўлишига ҳисса қўишни ўзларининг бурчи деб билади. Поликлиникамизда самарали меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Иход ахлининг соғлиғи учун қайғуриш — ҳар биримизнинг бош вазифамиз саналади.

Қаламқаш меҳнатини оғирлик, ҳажм, миқдор каби оддий меъёрлар билан ўлчаб бўлмайди. Бади-

ий ижоднинг нечоғлик машаққатли жараён эканини биз шифокорлар жуда яхши англаймиз. Бугунги кунда мамакатимизда барча соҳалар каби миллий адабиётимиз ривожини янги босқичга кўтариш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмокда. Юксак эътиборга жавобан адибларимиз юртимизнинг қайноқ жабҳалари бўйлаб ижодий сафарларга чиқишмокда. Бугунги шиддатли давр талабларига тўла жавоб бера олиш — жуда катта масъулият. Бу масъулият ижодкорлар қаторида биз, шифокорларга ҳам бирдек тегишли. Масалан, поликлиникамизни замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини доимо юксак даражада ташкил этишга катта эътибор қаратамиз. Ҳукуматимиз ва шахсан муҳтарам



Президентимиз томонидан аҳоли саломатлигини ҳимоялаш йўлида қабул қилинаётган қарорлар ва ҳужжатлар ижодкорлар поликлиникасида дарҳол ижро этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одамнинг имунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида кенг қўламли амалий тад-

бирлар режаси белгилаб олинди. Шифокорларга бириктирилган мижозларни чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиш, оналар ва болаларга янада эътиборли бўлиш, кекса ёшли адибларнинг уйларида бориб саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари доимо диққат марказида бўлади.

— Ёзувчи ва шоирларимиз кўпроқ кўз нурини ошириш учун мурожаат этаётганлари боис, офталмолог хонаси замонавий апаратуралар билан жиҳозланган, — дея сўхбатга қўшилди шифокор Ҳамид Боймуродов. — Энг замонавий тиббий ускуналар орқали беморлардаги ҳар қандай тўқ касаллигини аниқлаб ташхис қўиш мумкин. Қўлоқнинг эшитиш қобилиятини текширадиган аудиометр, тезкор равишда қондаги қанд миқдорини текширадиган глюкометр каби тиббий асбоблар орқали касалликлари эрта аниқлаб, олдини олиш имкони пайдо бўлди. Масалан, лаборатория хонасидаги ге-

матологик анализатор ёрдамида қисқа муддатда қоннинг 18 турдаги таҳлилин аниқлаб, беморга профилактик ёрдам бериш, эрта ташхислаш йўлга қўйилди...

— Бизнинг поликлиникамизда фаолият кўрсатувчи шифокорлар ҳам босқа ҳамкасбларимиздан анча-мунча фарқ қилишди, деб ўйлайман, — дейди Анвар ака. — Биз доимо

"ижодкорни даволайдиган шифокор, албатта дунёқарашини кенг, маънан бўй бўлиши, ижодкорнинг кўнгли ва руҳиятини тереңроқ аниқлаш лозим", деган талабни юқори қўямиз. Масалан, мен ўзим даволашишга келган ҳар бир ёзувчи, шоирларнинг ижоди билан албатта? танишиб чиқаман. Ходимларимга ҳам улар ижодидан бохабар бўлиб боришни уқтираман. Қолаверса, эл севган ижодкорлар соғлигини тиклаш, саломатликлари мустаҳкамлаш учун ҳар қанча иш қилсак оз. Зеро, бахт, энг аввало соғлиқ демакдир.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ

Туман бойлик

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбек адабиётининг чет тилларга таржимаси ва хорижда ўрганилиши тарихига ўхшашлиги бўлса, бу борада ҳам бой тажриба тўпланган. Масалан, француз олими Бартолемей д'Ербеллоннинг 1697 йили Парижда чоп қилинган "Шарк кутубхонаси" ("La Bibliotheque orientale") қомусида илк дафъа ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида мақолалар берилган. Шундан сўнг европалик олимлар Навоий, Бобур ижодини ўрганиш, асарларини француз, немис ва инглиз тилларига таржима қилиш билан жиддий шуғуллана бошладилар. Натижада,

адабиётдан дунёнинг бошқа тилларига таржима қилиш борасида тажриба тўпланган. Эндиги вазифа, ана шу тажрибага таяниб, ўзбек адабиётининг сара асарларини чет тилларга, жавон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилувчи малакали таржимонларни тайёрлаш, таржима асарларини тарғиб қилиш ва улар

Халқаро анжуман олдида

тахлилини йўлга қўйишдан иборат. Шу ўринда таржима амалиётини юксак санъат даражасига кўтариш, таржимашунослик илминини фаоллаштириш ва изчилликни таъминлаш борасида айрим тақдирларимизни билдирмоқчимиз. Биринчидан,

алоқа ўрнатилса, ўзбек адабиётини чет элларда тарғиб қилиш, таржима асарларини хорижий тилларда нашр этишининг имконияти кенгайган бўларди.

"Жавон адабиёти" журналининг нашрига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Пала-партиш таржималарни чоп этишни тўхтатиш, журналнинг йиллик нашр режасини пухта ўйлаб, жамоатчилик кенгаши муҳокамасидан ўтказиб, амалга оширган маъқул. Шунингдек, журналда эълон қилинган таржима асарларини баҳолайдиган тақрирларни матбуотда эълон қилиб бориш, журналда таржима назариясининг бугунги долзарб муаммоларига бағишланган мақолаларни нашр этиб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда ўзбек адабиётининг энг сара асарларини хорижий тилларга таржима ва тарғиб этиш учун янги нашрга эҳтиёж сезилмоқда. Ўзбек адилларининг асарлари инглиз, немис, француз, хитой, япон, корейс тилларига таржималари эълон қилиниб борилса нур устига нур бўларди. Қолаверса, бундай нашр ёш таржимонлар учун маҳорат мактабига айланарди.

Кейинги йилларда бизда таржима назарияси ва таржима танқиди бирмунча оқсаб қолди. Масалан, Халқаро таржимонлар уюшмаси (ФИТ) билан алоқамиз йўқ, унинг сўнги йиллардаги фаолиятдан беҳабармиз. Халқаро таржималар уюшмаси билан яқин алоқа ўрнатилса, таъминотнинг халқаро симпозиумларида таржимон ва таржимашунослигимиз иштирок этишса фойдалан холи бўлмасди.

Ўзвчилар уюшмаси қошидаги Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими Республика телевидениеси Маънавият ва маърифат канали билан ҳамкорликда "Таржима — юксак санъат" мавзусида мунтазам кўрсатувлар ташкил этса, унда етакчи таржимон ва таржимашунослиримиз иштироки таъминланса, шунингдек, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Жавон адабиёти", "Шарк юлдузи", "Ёшлик" журналларида бадиий таржима муаммоларига бағишланган давра суҳбатлари уюштириб борилса бу ҳам соҳанинг ривожига қўшилган муносиб ҳисса бўларди.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори,
профессор


"СЎЗ САНЪАТИ" журнади

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 2018 йил мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғйлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинди. Демак, эндиликда филология илмида ҳам олимларимиз жаҳондаги илгор технологиялар, назарий фикрларга ҳамоҳанг илмий тадқиқотлар яратишга киришишлари лозим бўлади. Яқинда нишона сони илм аҳлининг қўлига етиб борган "Сўз санъати" ("Word Art") журнади айнан инновацион гоғйларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ва шу эзгу мақсад йўлида фаолият олиб боради.

Журнал тил, адабиёт, фольклор, журналистика, таржима назарияси ҳамда амалиёт билан шуғулланувчи филолог олимлар оммасига мўлжалланган бўлиб, мазкур йўналишларга доир илмий мақола ва тадқиқотлар эълон қилиниши кўзда тутилган. Журналда олий ўқув юрталарининг иқтидорли талабалари, магистрант ва докторантлари ҳам ўз илмий-ижодий мақола ва асарлари билан қатнашиши мумкин.

Халқаро микёсдаги нфузули, академик илмий-танқидий нашрларда бўлгани каби "Сўз санъати" журнадида ҳам чоп этилаётган мақола аввалида уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) аннотация ва калит сўзлар илова қилиниши талаб этилади. Фойдаланилган адабиётларнинг тўлиқ рўйхати мақола матнидан сўнг алифбо тартибда кўрсатилиши, ўзбек ва рус тилларидаги манбаларнинг таржималари эса қавс ичида инглиз тилида берилиши лозим.

Журналнинг нишона сонида адабиётшунослик, тилшунослик, таржимашунослик ва фольклорнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий мақолалар, филология фанлари доктори, профессор Абдузўхур Абдуазизов таваллудининг саксон йиллигига бағишланган ёднома берилган. Журнал филология фанлари доктори, профес-



INTERNATIONAL
JOURNAL OF WORD ART

сор Муҳаммаджон Холбековнинг модернизм, постмодернизм, каби адабий оқимлар, иқодий жараёнда янги услубларни кашф этиш йўлидаги уринишлар ҳақидаги "XX аср модернизм прозасининг тадрихий талқини" мавзусидаги илмий мақоласи билан очилган. Таниқли тилшунос олим Низомиддин Маҳмудовнинг "Тилининг сўз хазинаси ва оламнинг манзараси", профессор Маматқул Жўраевнинг "Марказий Осиё халқлари астромифологиясида Темир қозқ юлдузи" номли қизқарғил тадқиқотларини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз. Муҳторхон Умарқўжаевнинг "Таржима дунёси ва унинг фалсафаси" мақоласида таржимашунослик тарихи, озғани ва ёзма таржима тарихи, мутаржимнинг қандай асарини, нима мақсадда таржима қилиш лозимлиги каби масалалар ҳақида фикр юритилса, Озарбайжон Миллий академияси Адабиёт институтини илмий ҳозираси Асгерзаде Лутвия мақоласида Хусайин Жовиднинг тарихий мавзудаги асарлари, профессор Алмас Улви Биннатовнинг мақоласида ўзбек олими Холид Саид Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, Нурбой Жабборов, Жамолддин Якубов, Илҳом Тўхтасинов ва Раҳима Широнова сингари адабиётшунослирнинг мақолаларида ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, француз ва ўзбек эртакларида муҳаббат талқинлари, таржимада миллийликни сақлаш ҳамда бевосита таржима муаммолари тадқиқ этилган.

Хуллас, Фарб ва Шарк оламига илмий фаразларимиз, фикр-мулоҳазаларимиз билан чиқиш учун имкониятлар эшигини очётган ушбу янги "Сўз санъати" ("Word Art") журналининг жорий этилгани билан илм аҳлини қўтайлимиз.

Ровияжон АБДУЛЛАЕВА,
филология фанлари номзоди

Жавон адабиётдаги ҳар бир мумтоз асар ўз муаллифининг халқ озғани ижодидан қанчалик баҳрамандлигини аниқ-тиниқ кўрсатиб туради. Чинорнинг нуриқдорлиги ва умрзоқлиги илдининг теранлигига боғлиқ бўлганидек, бадиий асар ҳам, аввало, халқ озғани ижодидан баҳра олиб мумтозлик касб этади. Буюк мутафаккир Алишер Навоийдан Гулҳанайга қадар жамики улуг адибларимизнинг ижодий мерослари бунинг ёрқин далилларибур.

Кейинги бир асрлик адабиётимиз тарихида халқ озғани ижодидан баҳра олиб яратилган дастлабки асарлардан бири Абдулҳамид Чўлпоннинг 1920 йилда яратган "Ёрқиний" драматидир. Халқ ривояти асосида ёзилган бу асарда ўзаро ихтилофдаги отаси Ўлмас Ботир ва севигилиси Пулат Ботир ўртасида овора-сарсон санъаткор Ёрқиний тимсолида эски муҳтда умри кечётган чинакам ижодкорнинг қисмати таъсирчан бадиий гавдалантирилган. Асардаги Ёрқинийнинг устози, халқ озғани ижодининг билимдонни Момо, айтиш мумкинки, Она халқнинг ўзига хос тимсолдир.

Адабиётимизда халқ озғани ижодида мустақам таяниб яратилган яна бир шоҳ асар Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи. Халқимизнинг қадимий қаҳрамонлик эпоси "Алпомиш"га ўзига хос янгича оҳанг, янги бир нафас бахш этган адиб Абдулла Қодирий бўлди. Тўғри, "Ўткан кунлар" романи ёзма адабиётимизнинг энг ёрқин намуналари, чунончи, Юсуф Хос Ҳожининг "Қутаду билиг" достони, Алишер Навоийнинг "Хамса"си ва, айниқса, "Лисон утайр" фалсафий достони, Бобур-

нинг "Бобурнома" ва Муҳаммад Фузулийнинг "Лайли ва Мажнун" асарларидан таъсирланган ҳолда уларда акс эттирилган азаллий ва абдий мавзуларга янгича ижодий ёндошишни ёрқин намунаси

Утмишда Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий каби забардаст адиблар бир-бирларидан ижодий таъсирланган ўзларининг жаҳоншумул "Хамса" асарларини яратганлари маълум. Янги даврда ҳамсанависликдек қутлуғ анъана янгича шайойилларда қайта жонланмоқда, дейиш мумкин. "Ўткан кунлар" романининг нафақат ўзбек ёзувчилари, балки, айни чоғда, қозоқ адиби Мухтор Азевоз, туркман адиби Берди Керобоев ва Хидир Дерев, тожик адиби Жалол Икромий, айрим уйғур, озарбайжон ва

татар адиблари ижодида, қисқаси, барча қардош халқлар адабиётига ҳаётбахш таъсир кўрсатгани ҳам барчага маълум.

"Ўткан кунлар" романини тақдир жойда Помир тоғидек юксал-

ган асар сифатида таърифлар экан, қозоқ адибини бу асарга мафтун-маҳлиб этган асосий сир нимада? Асарнинг туркий халқларга мансуб минг йиллик муштарак адабиётимиз таърибларига, аввало, халқ озғани ижодида, айниқса, "Алпомиш" достонига мустақам таяниб турганида, албатта. Мухтор Азевоз Абдулла Қодирий таърибларини пухта ўзлаштирган ҳолда устоз анъаналарини ижодий ривожлантириб, халқ озғани ижодидан озиқланишининг янги ва янада ибратли намуналарини амалда кўрсата олди. Адиб қаламига мансуб "Абай йўли" эпосеяси, айтиш мумкинки, янги даврдаги яна бир халқ достони, қолаверса, бевосита халқ достонларига янги нафас бахш этиб ёзилган қўлгина драмалари мана шундан далолат беради.

Адибнинг улкан фольклорист олим сифатидаги фаолияти, айниқса, қирғиз халқ эпоси "Манас" ҳимояси бобида кўрсатган жасоратининг ҳосиласидек, айтиш мумкинки, замонавий адабиётнинг Манас бўлиб дунёга келган Чингиз Айтматовнинг илк қисаси "Жамила"ни жаҳонга танитишда улкан француз адиби Луи Арагон билан биргаликда кўрсатган фидойилиги кейинги ярим аср мобайнида тилларда озмунча дoston бўлди!

Абдулла Қодирий билан Мухтор Азевоз ўзларининг умрибўқой асарларини халқ достонларига таяниб яратган бўлсалар, бу икки улуг устозга муносиб икки шотирд — Чингиз Айтматов билан Тўлепберген Қайибергенов асарлари қирғиз ва қорақалпоқ халқларининг афсона-ривоятлари асосида дунёга келган. Чингиз Айтматовнинг дастлабки ҳикоялари ва қиссаларидан сўнгги "Қулаётган тоғлар (Мангу қайлиқ)" романига қадар жаҳонга машҳур жамики асарлари шоҳдор она бузу, қоранор, от, ит, бури, наҳанг, қорли тоқ қоплони ва бошқа жонзотлар билан боғлиқ афсона-ривоятларга янги нафас ва оламшумул доврўг бахш этиб турибди. Тўлепберген Қайибергеновнинг машҳур "Қорақалпоқ достони" трилогияси, хусусан, дoston-

Яқинда қайта ўқиганим Ойбекнинг "Навоий" романи тасаввуримни мутлақо ўзгартириб юборди. Бу буюк адибга бўлган эҳтиромим янада ошди. Романни, у ҳақдаги бир қанча тадқиқотларни ўқигач, кўнглимда туғилган фикрларни изҳор этишга ботиндим.

УЛУҒВОР ОБИДА

Ойбек ижодхонасидан чиқарган биринчи сабогим, катта асарларни ёзиш учун чинакам заҳмат чека билиш заруратини ҳис этганимдир. Ижод аҳлининг бугунги авлоди устоз ёзувчидан бу борада ҳар қанча ўрганса арзийди. "Навоий" романини ёзишга киришишдан олдин адиб буюк мутафаккир биографияси ва адабий мероси юзасидан жиддий изланиш олиб боради. Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий сингари тарихчилар асарларидаги Алишер Навоий биографиясига оид маълумотларни чуқур ўрганади. Шу асосда туркум тадқиқотлар яратади.

Эътиборга лойиқ яна бир жиҳати, шунча катта тайёргарликдан кейин ҳам улуг адиб роман устида иш бошлашга шошилмайди. Аввал "Навоий" достонини ёзади. Достонда Навоий образини ёрқин ва таъсирчан бўёқларда ифодаланган шoir буюк мутафаккирнинг орзу-ўйлари, изтиробу армонларини бутун мураккаблиги билан тасвирлашга эришган. Назаримда, ҳазрат Навоийнинг ижод оғушидаги ҳолати тасвири Ойбек достонининг бадиий қувватини оширган, ифоданинг ҳаётлигини таъминлаган.

Тинимсиз меҳнату заҳматлар, изланиш машаққати, ижод завқи ҳолатларини бошдан кечирган, катта ҳажмда материал тўплаган, тадқиқотларию до-

Романдан мен олган иккинчи сабоқ шундан иборатки, Ойбек характер яратиш бўйича маҳоратда тенгсиз экан. Қайта мутлолаж раёнида шуни англадимки, бу роман бир-икки ўқиб кейин муножаат этмаса ҳам бўлаверадиган асарлар сирасига кирмайди. Аксинча қайта-қайта ўқилиши, ўқилиши зарур бўлган асарлардан.

Романда ҳазрат Навоийнинг элгарварлиги даражасини англаш имконини берувчи шундай бир лавҳа бор. Унга кўра, халқ бошига оғир солиқ солинган. Элда бундан норозилик қайфияти уйғонган. Навоий ҳукмдорни кўнгли яримларга ҳозиқ ҳаким бўлишга қачиради. Суҳбатга аралашган вазир Мажириддин ҳақ "жоҳил оломон"ни тиг воситасида тарбияламоқ тақлифини беради. Ўртада фикрлар кураши кетади. Ойбек ҳазрат Навоий тилидан мана бу сўзларни ёзади: "Масала адолат ва ҳақиқат масаласидир, ҳақиқат оломон тарфидадир. Ҳақ сўзини айтган оғизларни тош билан қонатмоқ эмас, ҳақиқат тамалини қулатмоққа кўтарилган қўлларни кесмоқ зарур... Шоҳо, халқнинг молини, жонини бўрилар ихтиёрига топширишга, улар қонқур маҳлуклар дастидан фиғон қўтарса, уларга қулоқ солмаслик адл-инсофдан эмас. Таҳдид ва сиёсат эмас, меҳрибонлик даркор. Халқ билан бўлғуси муомалада қилинган эмас, адл қилинган сунмок, халқни жабр-зулмдан қутқармоқ лозим. Зеро, халқ шундай бир дарёи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг қулбаси қолур, у шундай бир ўтқи, унинг бир ўқини тутасан, на хашакни қўра, на фалакни... Бас, ҳақиқат қилмоқ керак: элнинг, юртининг бахти барқарор бўлса, салтанат ҳам беҳатар бўлар".

Эътибор беринг, нақадар ҳаётий ва барча замонлар учун аҳамиятли фикрлар! Ҳазрат Навоийнинг бу сўзлари халқни рози қилиш ҳақидаги бугунги қарашларга нақадар ҳамоҳанг! Ана, Ойбек романининг кучи, ана сўзининг қудрати! Бу суҳбат тасвири орқали адиб буюк Навоий характерини ўқувчи кўз ўнгига яққол номоён этадиган даражада ёрқин бўёқларда чизиб бера олган.

Роман мутлолаасидан олган учинчи сабогим: ҳақиқатпарастлигини ижод аҳли Ойбекдан ўрганиши зарур. Дахрийлик сиёсати авж олган ўша шўролар замонида ҳам улуг адиб қаловини топиб, ҳазрат Алишер Навоийнинг тасаввуфий қарашлари, бу қарашларга ҳаётда қатъий амал қилгани тасвирини ярата олган. "Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр"да таърифланмишга, бу ёрғу олам ва ундаги ҳар бир яратик Аллоҳ таолонинг илоҳий ҳуснини зоҳир этгувчи мазҳар. Шунинг учун уларнинг ҳар бирига меҳр кўрсатишгоғи зарур. Бу қарашни Ойбек роман-

да таъсирчан бир ҳаётий лавҳа тасвири орқали ифода этади. Унга кўра, баҳорги сайилдан сўнг Ҳиротга отланган Хусайн Бойқаро навкарлари Навоийдан унинг чодирини йиғиштиришга рухсат сўрайди.

"— Кўнчи дарагини эшитгандан буён бир мушкулотни хал қилишдан охишмен, — дейди Навоий ўйланиб.

— Қандай мушкулот? — навкар ҳайрон бўлиб, кўзларини шоирга тикади.

— Ана! — қулисираб дейди Навоий чодирнинг бир бурчагини кўрсатиб.

Чодирнинг бир бурчагида эса одам бўйи балан-дликда, бир парча тарх-хус устида кўзларини мўлтиллаштиб мусича ётар эди. Навкарлар ҳеч нарса тушунмасдан бир-бирларига қарай-

дилар.

— Чодирни йиғиштирилса, у бечорага озор етур. Бундан кўрқаман, — дейди Навоий.

Навкарлар кулишади.

Уларнинг бири дадиллик билан шоирга эътироз билдиради:

— Тақсир, қанотли-қуйруқли маҳлук, учади-кетайди. — Тухумларига ҳам қанот боғлаб ўчира олурсизми? — қаттиқроқ гапирди Навоий ва мулозими Хўжа Ҳасанни қачиртириб, унга уқтиради:

— Чодирни йиғиштирмаймиз.

Мусича бола очиб, учирма қилиб, бу инни тарх-хус этгунча сен шу ерда қол. Чодирга ҳам, қушга ҳам қоровуллик эт. Кейин чодирни йиғиштириб, Ҳиротга қайтурсен. Бу хизматинг учун сенга яхши ҳақ тўлармен...".

Ҳазрат Навоий этиқодича, ҳатто жониворларга ҳам озор етказиб бўлмайди. Ҳақ таолога муҳаббат бўлган инсон Унинг яратилган ҳам меҳр кўрсатиши шарт. Юқоридаги бадиий лавҳада буюк мутафаккирнинг ана шу қарашни ўз ифодасини топган.

Романдаги Мўмин мирзонинг қатти этилиши билан боғлиқ лавҳани ўқиганимда юракларим эзиллиб кетди. Айни шу хунрезликдан кейинқ қотил Тўғонбек ва Амр Ободий томонидан баравар "обдон акли

гўдак эди", "Юсуфдек хушрўй эди" дея таърифланган, агар Аллоҳ узоқроқ умр берса, эҳтимолки, тарих ўзанини темирйилар салтанатининг фойдасига бўриб юбориши ҳам мумкин бўлган бу шаҳзодадан ўз бобоси сархушликда муҳрлаган фармонга кўра хоинона ўлдирилиши.... Бу маъсум гўдакнинг қотиллик рўй беришдан сал олдинги ҳолати билан боғлиқ мана бу тасвир, айниқса, кўз ўнгимда муҳрланмиш қолди: "Шаҳзода тўшак устида шамга қяин ўтириб, Қуръон ўқий билан машғул эди. Навкарлар оғвақ олиб келган бўлсалар керак, деб ўйлаганиданми, шаҳзода Қуръондан бошини қўтармади, мунгли товуш билан кироат қилаверди".

Тўғриси, романини қайта ўқигач, узоқ вақт унинг таъсиридан чиқа олмай юрдим. Бизнинг замонамизда яшаган буюк бир адибнинг миллий маънавиятимиз тимсоли бўлган улуг сиймо ҳақидаги асари чиндан ҳам адабиётимизнинг улугвор обидасидир. Бу беназир адибнинг юксак тафаккур ва учқур тахайюл эгаси бўлганини ҳис этаман ва назаримда, у ҳам ҳазрат Навоий каби Аллоҳ таолонинг барча яратикларига муҳаббатли, олижаноб инсон бўлган. Замондорларининг адиб ҳақидаги хотиралари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов бу улуг ижодкор ҳақида қўйидагиларни ёзиб қолдирган: "Мен уйда бўш қолдим дегунча, устоз Ойбекнинг "Навоий" романини қўлга оламан. Бу улуг асарни қайта-қайта мутлола қилишдан мен сира толиққан эмасман. Чунки роман мени бирварақайига халқимизнинг икки буюк фарзанди билан дийдорлаштиради. Бири Алишер Навоий бўлса, иккинчиси асар муаллифи устоз Ойбекнинг ўзларидир".

Дарвоқе, романи ўқиганда мен Ойбек билан мулоқотда бўлдим. Бу улуг инсон билан узоқ ва мароқли суҳбат қурдим. Унинг салимий ва теран фикрларига ошно туттиндим. Демак, ижодкорнинг умри унинг асарларида давом этиши ҳақ рост экан.

Абдугани СУЛАЙМОН

Теран томирлар

нинг биринчи китобини ташкил этувчи "Маманбий афсонаси" романида, ҳаёт бу асарнинг номидаёқ афсона қанчалик муҳим ўрин тутишини яққол қўришимиз мумкин. Агар Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи бош қаҳрамони Отабек тимсолида бир Алпомиш, Мухтор Азевонинг "Абай йўли" эпосеясидаги бош қаҳрамон Абай тимсолида яна бир Алпомиш бадиий гавдалантирилган бўлса, Тўлепберген Қайибергеновнинг "Қорақалпоқ достони" трилогиясида бош қаҳрамонлар (Маманбий, Ойқўсбий, Эрназар олакўз) тимсолларида бирибўла уч нафар Алпомиш қад ростлаб турибди.

Агар "Қорақалпоқ достони" трилогияси ўзига хос "уч оғанини бо-тирлар" ҳақидаги уч афсона асосида яратилган асар бўлса, адибнинг қаминга ўзбек тилига таржима қилган "Қорақалпоқнома" роман-эссеи халқ афсоналари, нақллари, мақол-маталлари, хуллас, халқона до-нишмандлигининг тажассумидир. Мазкур асарнинг 1997 йилдаги иккинчи нашрига атоқли адибимиз Одил Ёқубов ёзган сузбошининг

сарлавҳасиёқ буни аниқ-равшан қўрсатиб турибди: "Халқона ҳик-матлар гулдастаси"! Сирасини айтганда, бутун бир халқнинг миллий ўзига хослигини аён қўрсатувчи юзга қяин афсона-ривоят ва беҳисоб ҳикматли нақллари бир асарга қаловини топиб жамлаш бир умр халқ ижодидан баҳраманд бўлиб яшаган чинакам халқ ёзувчисигина мушарраф бўладиган улкан ютуқ.

"Ёрқиний" драмаси ва "Ўткан кунлар" романидан кейин ўзбек адабиётда ҳам халқ озғани ижоди, хусусан, халқ афсона-ривоятлари, ҳикоят, ғантома, эртак ва латифалари асосида яратилган асарлар талайгина. Масалан, Ҳамид Олимжоннинг "Семурғ ёки Пари-зод ва Бунёд", "Ойгул билан Бах-тиёр" достонлари, Ғафур Ғулмон-нинг "Афанди ва шайтон алаҳди ланья", "Ҳасан қайғий", "Менинг ўригина болам" ҳикоялари билан "Шум бола" қиссаси (айниқса, асарнинг таркибий қисмига айла-ниб кетган "Бир ёлгондан қирқ ёлгон" эртак), Асқад Мухторнинг "Чинор (Ривоятлар. Ҳикоятлар. Қиссалар)", Эркин Воҳидовнинг "Донишқушлоқ латифалари", Омон Матжоннинг "Ҳақуш қич-қирғини", Зоҳир Аълманин "Афандининг қирқ бир пашшаси", Са-

фар Барноевнинг "Кичкина Хўжа Насриддин" асарлари... Ўз муаллифлари ижодий бисотининг кичик бир қисмининга ташкил этувчи бу асарлар қарийб бир асрлик адабиётимиз бой халқ озғани ижодидан бутунлай узилиб кетмагани, унга ўқтин-ўқтин мурожаат қилиб турилганини аён қўрсатади, албатта. Тарихнавис адибимиз Мирқарим Осимнинг Тўмарис, Широк, Спитамендан Увайсий ва Нодирабегимга қадар жами йигирмадан қўпроқ улкан тарихий шахслар ҳақида яратган гўзал ҳикоя ва қиссалари, аввало, мавжуд афсона-ривоятларга янги бир ҳаёт, иккинчи нафас бахш этиб тургани билан алоҳида қадрлидир. Тарихий шахслар ҳақидаги афсона-ривоятлардан бу қадар самарали ва изчил фойдалана олган адиб жаҳон адабиётда ҳам кам топилган!..

Халқ озғани ижоди ҳар бир адибнинг ўзига хос тириклик суви, сарчашмаси — булоқбоши ҳисобланган. Минг йиллик чинор қақраб ётган биббонда эмас, энг сулим ва гавжум хиббондаги булоқбошида ўсиб-ўниб қад ростлайди. Бинобарин, булоқбошидан баҳра олиш бахти барчамизга муяссар бўлсин.

ОТАУЛИ

ЗАХМАТДАН ҲАЛОВАТ ТОПИШ САНЪАТИ

Ҳамма бирдай кузатиш имконига эга бўлган ҳодисанинг ўзгалири олмайдиган жиҳатларини кўра билдиш – ижоднинг, ижодкорликнинг асосий шарт. Адабиётшунослик ва адабий танқид ҳам шундай. Муайян бадиий асарнинг оддий ўқувчи англаши қийин бўлган инжа маъноларини, рамзлар замиридаги ҳақиқатларни айнади адабиётшунос таҳлил ва талқин этади. Натижада асар ўқувчи кўз ўнгига ўзгача рангларда намоён бўлади. Китебхон бадиий асарни синчков назар билан ўқишни ўрганади. Унинг адабий-эстетик диди ўсади. Бу эса, ўз навбатида, китебхонлик маданиятининг жамият миқёсида юксалишига олиб келади. Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарида адабиётшуносларнинг навқирон вакиллари билан ана шу ҳусусда суҳбатлашилди.

Маълумки, адабиётшунос-мунаққиднинг иши осон эмас. Бу соҳа катта меҳнат ва заҳматни талаб қилади. Чуқур назарий билим, юксак адабий келдимки, теран танқидий тафаккур эгаси бўлмоғи зарур адабиётшунос. Адабий жараёни мунтазам кузатиб бориш, ҳатто шоиру адибдан ҳам кўра кўпроқ мутолаа қилиш, бадиий асарни холис ва ҳаққоний баҳолаш – бу ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Қувонар-лиси, шунга интилиш сезилди ёшларда.

Семинар давомида улар билан баҳс-мунозаралар уюштирилди.



ди, маҳорат дарслари ўтилди. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов каби устоз олимларнинг тадқиқот усуллари, адабий-танқидий асарлари орқали миллий адабиётимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида суҳбатлашилди.

Семинар иштирокчилари ҳазрат Алишер Навоий асарларини ўқиб-ўрганапти. Замонавий наср ва шеърятга доир шахсий кузатишларини, мустақил нуқтаи назарларини билдирапти. Адабиётшунослик ва тилшунослик ораллигидаги соҳа – лингвопoeтика бўйича изланишлар олиб борапти. Табиийки, бу мўъжаз тадқиқотларда ҳали такомилга етмаган ўринлар, таҳрирталаб жумлаларлар, таҳлиллар натижа-сида умумлашмалар чиқариш борасидаги нуқсонлар ҳам учрайди. Лекин синчков адабиётшунослар хос фазилатлар ҳам етарли. Агар ёшларимиз ўз устида муттасил шуғулланса, устоз адабиётшуносларнинг илмий-ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб, зарур сабоқларни олса, келажакда улардан иқтидорли мутахассислар етишиб чиқиши мумкин. Ана шундай умидларни пайдо қилгани жиҳатидан ҳам Зомин семинарининг аҳамияти беқиёсдир.

Нурбой Жабборов,
филология фанлари доктори, профессор

— Йўқ-йўқ, устоз, янгидан Бизга эскиси афзал, Хар манзилнинг ҳикмати Кўрган-ку шу пойабзал. Бу кун шеърга айланар Қадамларнинг жаранги. Ижод ўзи бир олам, Эртақнамо, қаранги, Истагим шу — даврада Ҳаммамизга эс кирса. Қани бизнинг бошмоқ ҳам Сизникидай эскирса.

Бир неча лаҳзада ёзилган ушбу шеър муаллифини устоз Анвар Обиджон, болалар шоирлари Дилшод Ражаб, Ориф Тўхташ ҳам қутладилар.

Қаламларидан ўтти мисралар ёғилиб турган бундай ёш ижодкорларнинг кўплиги барча семинар қатнашчиларини хурсанд қилди. Уларнинг ижод намуналарини баҳолаш жараёни ҳам осон кечгани йўқ. Қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Бир сўз билан айтганда, бу галги Зомин семинари адабиётимизга истеъдодли ва қадамлари нузли ёшлар кириб келаётганини ёрқин намоён этди. Бундан фақат адабиётимиз Зомин тоғлари мисол юксалиб бораверади, деб умид қиламиз.

Ашуралӣ ЖўРАЕВ,
Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси

Сирожиiddин РАУФ

ОЛОВЛАНАР УМИД УЧҚУНИ



Чўғланар ёдимда ҳар дам, ҳар нафас Куйган юлдуз каби қоп-қора холинг. Ишқ, дебман мен гўмроҳ, шунчаки ҳавас, Сўнгсиз азоб экан унинг увол!..

Кўзимга санчилар ўтмиш, хотира, Қувончу аламга оғушта дамлар Дилим ойнасида акс этар хира.

Шўрлик юрак, э воҳ, ғамларни ғамлар, Тобора авжланар армон гуркираб — Аланга тиллари умримни ямлар!..

Асл мудлаомиз муҳаббат эди, Беҳишг боғларида кавсар симирмоқ. Жонимиз шу ишққа занжирбанд эди, Бамисли дарёга интилган ирмоқ.

Биздан чекинганди нафси аммора, Чинидай ярқираб кўнгил уйимиз. Тўқиллик рамзидай битта зогора, Дилга қувват эди бир донна майиз.

Снёҳ кокиллари нинганди қиров, Зулмат кечаларни ёритди дедик. Забтига олганда жизганақ олов, Қалбимиз жўлиққан ор этди дедик...

Бугун лаб тегмаган гулгун шаробнинг Ботинда яшринган қакроғи алам. Пайғомлар йўллаган дилбар саробнинг Либосин ўришу арқоғи алам.

Азамат тоғлардан чандон баландда Найза чўққиларининг тоза қоридек Шаффоф тўйгуларга биз мисли банди Бош уриб, топиниб наҳот ҳоридик?!

Муҳаббат эди-ку асл мудлао, Шу ишққа жонимиз эмасми қурбон? Тентисак тентибмиз қилмай идлао, Некбин манзилларда сарсон-саргардон...

Тим қаро сочларим, ҳайхот, бўлди оқ, Бу вақтнинг ҳукмида: йиллар беомон. Ҳамон сени десам қалбимда титроқ, Қундан кунга майдек қувватли армон.

Бесурр умримнинг пучмоғида ҳам Олис хотиралар чиқариб бўзлар. Эслайман, висолнинг кўчоғида ҳам Соғинчдан жовдираб турарди кўзлар.

Кўнгиллар чулғаниб ажиб зиёга, Ушанда йўқ эди бирорта кам-кўст — Гўёки бисёрдай бир кам дунёда Ошиқ юракларга хайрихоҳ, ҳам дўст!

Ушанда орзулар осмондек мовий Ва тубсиз кўринди — қолдик алданиб... Дафъатан қулади севги самовий, Боғларни тарқ айлаб кетди андалиб.

Иккимиз қайрилик икки томонга — Буларнинг бариға аччиқма-аччиқ. О, шунда енгилдик қаттол ҳижрондан, Кўксимда айрилиқ туғлари санчик!

Энди сен эмассан ўша қаламқош, Безовта ҳам қилмас балки хотирот. Мени эса, ҳайхот, йиғирма беш ёш Гўзалининг фироғи ўртар умрбод!

Сонет

Таъқиб этаверар тинмай ҳаёлинг, Жонимни ўтларда қўйдирди, бас. Ушалмас орзудир энди висолнинг, Жонбахш тўйгуларнинг барчаси абас.

Кўнгул таҳлил майдонига айланди



Биз Зоминда эртанги ўзбек адабиётининг муждалари билан танишдик. Балким, ҳали адабий дунёқараши тўла шаклланмаганларни “адабиёт эртаси” дейиш бир мунча эриш туюлар. Бироқ бу бор гап: мана шу ёшлар адабиётимизнинг эртанги маромини ва мақомини белгилайди. Шундай экан, адабиётимиз эртаси шулар. Шу маънода биз семинарда ёшлар танқиди ижодкорлар билан эмас, адабиётнинг бугуни бўлганлар келажаклари билан учрашди. Келажак билан “юзма-юз” келишнинг таассуротлари, албатта, турлича. Мухими, ёшларда интилиш борлиги, ўзини тўқинлантираётган гапни айтишга уринишга, олдинги йилларга нисбатан савия ва диднинг ўсгани, ёшларнинг ижодий дунёқараши сариқ матбуот “адабиёт” деб тарғиб қилган чўпчакбозликдан қутулиб, инсон ва унинг кўнглини таҳлил майдонига айлантиришга ҳаракат борлиги хурсанд қиладиган жиҳатлар бўлди. Воқеикан ёндашувда, ифодада, тасвирда, баёнда хилма-хилликка, ранг-барангликка интилишлар бор. Бир йигит ўзбек насрий ифода усулига Жойсга хос онг оқимини олиб киришга ҳам уринган — миллий адабиётимизни дунё адабиёти ришталари билан боғлашни ният қилган. Бу истак ҳам кишини қувонтиради. У билан гаплашганимизда ичида эҳтирос ва ҳис-ҳаяжон қайнаб ётганини, лекин тажрибасизлик, ёзиш техникасида батафсил хабардор эмаслиги, малакасилик шу эҳтиросни ифода этишга ожизлик қилаётганини кўрдик. Эндигина 18 ёшга қадам қўйган Маъмура Тўраева исмли иштирокчимизнинг анча пухта, пишиқ, тўлақонли машқлари кишида катта умид уйғотди. Бир андижонлик қиз қисса ёзишга ҳам журъат қилибди. Элик қўламини ҳис қилган, бироқ ҳали кўча насри таъсиридан буткул қутулмаган. Хоразмлик синглимиз эса насрнинг замонавий flash fiction жанрида оддий-оддий воқеалардан бадиий “ҳисса” чиқара олган. Бу қисқа ҳикоялардаги самимиёт кўнглини кўтарди. Албатта, бу машқларда ҳали нуқсонлар бор, муҳими, бизни ёшларнинг журъати қувонтиради. Хуллас, семинарда биз ёшларнинг олов бўлиб ёнишни истаётган истеъдод чўғларини кўрдик. Бу чўғларнинг аланга олиши энди фақат ёшларнинг ўз қўлида, иродаси ва қатъиятида, интилишида, машаққатларни енга олишида, ўзини ўзи шакллантиришида, умуман, ўзини топа олишида.

Назар ЭШОНҚУЛ, ёзувчи

Менгзиё САФАРОВ



Урушининг кўпи ўтиб, ози қолган бўлса ҳам онаси ҳамиша икки гапнинг бирида: — Урушни кимки унутса кўр бўлади.

БАХМАЛ

Оғир кунларни тез-тез эслаб-эслаб тургандагина яхши кунларнинг қадрига етасизлар, — дерди.

Бола эса ўша кезларда гўдак бўлиб, бу гапларнинг маъносига етмасди.

Эс-эс хотирлайди: узоқ қаҳратон қиш оқшомлари онаси сизирни ертўладан чиқариб, ўзлари ётадиган хона дахлизига боғлаб кўярди. Сигир тун бўйи куртилатиб хашак чайнар, қавшанар, бола эса унинг ўқтин-ўқтин пиширишини тинглай-тинглай уйкуга кетарди. Онаси сизирга жуда меҳрибон эди. Буни, афтидан, сигир ҳам сезар, ҳамиша онаси «Бахмал», деб қақирганида, у эмранибгина онаси ёнига келар ва думини силкитиб арқаланарди. Онаси ўз ғамини емаса-емас, бироқ сизирни ҳеч қачон унутмасди.

Бир кун акаларидан бири сизирга қилина-

ИМКОНИЯТ МАЙДОНИ



Ёш драматургларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, бугунги адабий жараёнга жалб қилиш масаласи жуда муҳим. Зомин семинари ҳам бошқа жанрлар қатори драматургия ривожига замин яратгани шубҳасиз. Ёшлар билан ўтган маҳорат дарсларимизда янги иқтидорларни кашф этдик. Ижодий ишлар орасида ўтган йилгидан кўра анча пишиқроқ ижодий намуналар билан танишдик.

Биз хоҳлардикки, ёшларимиз ўз тенгдошлари, уларнинг ҳаёти ҳақида саҳна асарлари яратишса. Чунки ёш қаҳрамонларнинг тўйгуларини уларчалик ҳеч ким ифода этолмайди. Аммо замон қаҳрамони сиймоси замирида томошабинлар кутган алоҳида фазилатга эга бўлган қаҳрамон сиймосини яратиш катта масъулият талаб қилади.

Бадиий пухта, гоёвий етук драматик асарларнинг ҳамон тақчиллигини ҳисобга олсак, бугунги ёшлардан умидимиз катта. Инсониятни ташвишга солаётган гиёҳвандлик, терроризм, ақлдапарастлик ва одам савдоси каби иллатларни бартараф этишга қаратилган асарлар ҳамиша долзарблигини йўқотмайди. Аммо бугун ёшларни ҳам ўйлантириши керак бўлган жамиятимиздаги баъзи бир муаммолар — касбга фидойилик, коррупция, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, тўй билан боғлиқ ҳолатлар ҳам четда қолиб кетмаслиги лозим. Чунки ёшларимиз ҳам бевосита ана шу иллатларнинг олдини олишга дахлдор.

Зомин семинари ёшлар учун ҳақиқий тажриба мактаби, изланишлари йўлида имконият майдони бўлди. Ишончлики, иштирокчиларимиз келгусида Ўзбек миллий академик театри саҳнасида қайта-қайта қўйилса-да эскирмайдиган асарлар яратадилар.

Эркин ХУШВАҚТОВ,
драматург

ётган бунчалик ғамхўрлик боисини сўраб қолди. Она, ертўла совуқ, боз устига, қишлоққа ўғри оралаган, худо кўрсатмасин, сизирга бирон касофат тегса, биз сағирларнинг кунимиз битиди, деди. У пайтларда тириқчилик ана шундай таҳликали кечарди. Онаси сизирнинг ўртанча акаси билан тенгдош эканини ва ҳар йили қанда қилмай туғиб берадиган бузоқни катта қилиб сотиб, рўзгор қорига ишлатаётганини айтди. Ўша йили Бахмал ўн тўртинчи бузоғини туғиб берган эди.

Оиланинг яқини ягона илнжи шу сизир эди. Она уни еру кўкка ишонмасди. Баъзан болалардан ортган сут-қатиқни кўни-қўшчиларга бир тақа талқон, дон ёки бошқа нарсасига алмаштирар, қаймоғини қувиди пишиб, ёқ қилиб сотарди. Оила бахтига Бахмал чиндан ҳам сервот ва серқаймоқ эди. Биринчи марта эсини таниб, маза қилиб еган ширғуруч ҳам ўша сизир сутиди пишгани хотирида. Ундан тотли-

Ҳикоя

рок ширғуручни унчага ва ундан кейин ҳам еганини эслаб олмайди. Умоч ошни айтмайсизми! Ҳозир умоч ошни қамдан-қам учратасиз. Ўша оғир йилларда ҳар бир нарсаси — сут ҳам, нон ҳам, умоч ош ва гўжа ош ҳам гоёат антиқа таомлар эди...

Уруш тугади. Унинг одамлар юзидаги, дилидаги қўлақаси аста-секин кўтарилди борди. Боланинг фронтга кетган катта акаси ҳам қайтиб келди. Урушдан эсон-омон қайтган йигитлар меҳнат қўчоғига ўзларини уришди. Бора-бора ороми бўзилган қишлоқ ва одамлар ҳаёти яна изга тушиб кетди.

Бу орада сизир ҳам, боланинг онаси ҳам кексаиди. Айниқса, сизир ўзини тамом олдириб қўйган эди.

У кексаликнинг бедаво дардига чалинди. Бахмал бутун оила кўз ўнгига кун сайин чўкиб борарди. Онанинг сизир атрофида гирдиқалпалак бўлиши, зўр бериб емиш ёишга қисташлари ҳам фойда бермади.

Рўзгор ташвишлари бошига тушган, оилага эғалик қилган тўнгич ўғил кунларнинг бирида онасига: — Эна, сизирни сўйса, — деди-ю, лекин шу ондаёқ ўз гапидан ўзи чўчиб кетди. — Нима деясан? Сўйсақ дедингми? — Ҳаром ўлиб қолмасин, деялман. Увол бўлади. Бунинг устига бечора роса қийналиб кетди, ғуноҳига қоламиз. Ўрнига бошқасини олиб бераман...

Она ўғлининг фикрига қўшилгандек анча вақт сукут сақлаб қолди. Пешонасидаги ажинлар қуюқлашди. Кейин тўсатдан бутун гавдаси силкиниб, йиғлай бошлади. Тўнгич ўғил ўрнидан туриб кетди. Шу-шу бўлди-

ю, қайтиб сизирни сўйиш тўғрисида гап очмади. Бироқ Бахмалнинг кўни қисқа экан. Қиш чиқиб, мол-ҳолнинг оғзи қўкатга етганда оила мадади, суянциги Бахмал ўлиб қолди.

Уни ажриқорда ётган пайтда ер ҳайдаётган трактор оқшом гира-ширасида бехосдан туртиб кетди. Бола ажриқорда онаси билан югуриб борганида сизир ҳали тирик экан. Аммо унинг бошига қараб бўлмас, аъзойи баданини трактор тишлари тимидаб, тилка-пора қилиб юборган, чанг ёпишган жунидан рангсиз қон сизиб турарди. Сизир ҳар замонда жонҳолатда бошини кўтарибга уринар, оғир пишиқларди. Она унинг қоқсуяк бошини қўлига олди. Бахмал бир амаллаб тилини чиқарди-да, қулфатдоши, меҳрибон кампирнинг билакларини ялади. Она юзини сизирнинг юзига босди. Бола шунда Бахмалнинг кўзларидан оққан ёшни кўрди. Ҳасратли кунларни бирга, елкама-елка кечирган онаси ҳам унсиз йиғларди.

Бахмал кампирнинг қўлида жон берди. Фарзандлар уни кекса оналари илтимосига кўра эҳтиром билан қўмдилар.

Йиллар бири бирини қувиб ўтди. Энди ўша сеvimли Бахмал ҳам, ундан ҳам суюмлироқ муштипар она ҳам йўқ. Ҳар иккаласи ҳам бу ёғру дунёни тарқ этишган. Аммо йигитнинг маъсум қалбига чуқур ўрнашиб қолган ўша манзара ҳамон бутун борлиғи билан намоён бўлади: ажриқорда чала ўлик ётган сизир ва унинг боши узра қадди эгилган она. Уларнинг кўзларидан оқиб тушаётган шўртэк ёш ситамкор кунлар, бедор ва таҳликали кунлар, мудҳиш дамларни мангуга ювиб кетгандек.

Таниқли дирижёр Бобомурод Худойқулов Бухоро шаҳрида туғилган. Дастлаб Бухоро санъат мусиқа билим юрти(ҳозирда Бухоро санъат коллежи)да, Ўзбекистон давлат консерваториясининг хор-дирижёрлик факультетида, 2006-2008 йилларда магистратурада операсимфоник дирижёрлиги мутахассислиги бўйича профессор В.Б.Неймер синфида таълим олган. Бобомурод Худойқулов кўплаб халқаро лойиҳалар ва танловларда қатнашиб, совриндор бўлган. 2015 йилдан Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида фаолият кўрсатиб келади. Қаҳрамонимиз Ж.Вердининг “Реквием”, “Риголетто”, Чайковскийнинг “Евгений Онегин”, Ж.Бизенинг “Кармен”, “Марварид изловчилар”, Доницеттининг “Севги шароби”, “Лючия ди Ламермур”, Леонкаваллонинг “Масхарабозлар”, Ж.Пуччинининг “Флория Тоска”, С.Юдаковнинг “Майсаранинг иши”, М.Бафоевнинг “Ал-Фарғоний” ва “Хамса” операларига ва қатор балетларга дирижёрлик қилган. Куйида Б.Худойқулов билан соҳа тақомилига оид сўхбатни эътиборингизга ҳавола этилмиз.

— Санъатда ҳамма нарсани Оллох берган иқтидор, тинимсиз изланиш, меҳнат ва яна меҳнат ҳал қилади. Дирижёрлик анчагина мураккаб соҳа. Унча-бунча одамнинг бу соҳага қизиқиб кириши қийин. Ўзингиз бу соҳага қандай кириб келгансиз?

— Ҳар қандай соҳанинг ўзига яраша мураккаблиги, машаққати бор. Дирижёрлик мусиқа соҳасида нисбатан ёш касблар сирасига қиради. Бу касб эгаси турли ижрочилар эгалланган билимлардан хабардор бўлишдан ташқари, мусиқа адабиётидан, назариясидан, тасвирий санъатдан, бадиий адабиётдан ҳам тушуначаси бўлиши керак. Агар дирижёр табиатию севмаса ҳеч қачон борлик ҳақидаги симфонияда, драматик зиддиятларга бой асарларни ўқимаса ватанпарварлик руҳидаги симфонияда дирижёрлик қилолмайди. Бундан ташқари, у бой фантазияга, драматургик асарларни тасвирлаб бериш қобилиятига эга бўлиши ҳам зарур.

Санъат оламига кириб келишимда отамнинг хизматию жуда катта. Очиги, санъаткор бўламан, мусиқа билан жиддий шуғулланаман деб ўйламаганман. Чунки ёшлигимда спорт ўйинларини севардим: футбол, теннис, бадминтон... лекин отамнинг маслаҳати билан ҳозирги Бухоро санъат коллежига ўқишга киришим ҳаётимда бўрилиш ясади. Бу даргоҳда мусиқа билан жиддий қизиқиб қолдим. Консерваторияга ўқишга кирганимдан сўнг дирижёрлик соҳасига астойдил берилганман.

Ўзбек давлат драма театрида саҳналаштирилган “Ер барибир айланаверади” асари муаллифи, атоқли драматург Шароф Бошбеков мавзунини мистик буффонада жанрида ёритишни маъқул кўрган бўлса-да, таниқли режиссёр Олимжон Салимов уни драматик фарс жанри қонун-қоидалари асосида талқин қилган. Бу ҳол асарда кўтарилган ўта жиддий масалалар тигини хийла ўтмаслаштириб, уларни фарс либосига ўраб, томошабинга тақдим қилиши имконини берган.

Спектаклда тасвирланишича, ношуд кишилардан бири ҳокимлик қилган даврда вилоятдаги қишлоқ ҳўжалиги ҳам, қурилиш ҳам, соғлиқни сақлаш ҳам, маориф ҳам, қўйингки, барча соҳалар ўтириб қолади. Президент иштирок этган вилоят фоллари йиғилишида ҳоким хизмат вазифасидан озод қилиниб, қамоққа олинади. Унинг ўрнига тайинланган ҳоким бир замонлар эл-юртга донг таратган вилоятнинг шундай аянчли аҳволга тушиши сабабларини билиш учун қамоқхонага бориб, собиқ ҳоким билан учрашади. Собиқ ҳоким билан Янги ҳоким ўртасида бўлиб ўтган мулоқот спектаклнинг ғоявий мазмунини ташкил этади. Воқеа асосан қамоқхона камerasида ва муайян вақт ичида рўй беради. Шундай чегараланган макон ва замонда бир вилоятнинг обод вилоятдан хонавайрон вилоятга айланиши сабабларини саҳна воситалари билан очиб бериш драматургдан ҳам, театрдан ҳам катта ижодий меҳнатни талаб этиши, шубҳасиз.

Яна бир муҳим муаммо асарнинг бундан йигирма йил аввал ёзилганлигидир. Шуниси ғаройибки, бундан йигирма йил аввал қайси соҳалардаги хато ва ўпирилишларни бартараф этиш талаб қилинган бўлса, бугунги кунда ҳам қарийб ўша соҳаларни тубдан қайта қўриш ва яхшилаш масаласи кўн тартибига қўйилган. Спектаклнинг “Ер барибир айланаверади” деб номланганида ҳам шу масалага имо-ишора сезилиб туради.

Янги ҳоким билиши керак бўлган масала аниқ: “Нега, нима учун шундай бўлди? Айб кимда — раҳбардами, тузумдами, одамлардами?” Собиқ ҳоким: “Бунини менам охиригача тушуниб етганим йўқ. Буни ҳеч ким билмайди”, дейди. “Бутун бошли вилоятнинг иқтисоди бутунлай издан чиқиб кетсин-у, ҳеч ким билмасин — йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!” — дейди қатъий Янги ҳоким.

Чиндан ҳам, бунинг сабабларини ҳеч ким — собиқ ҳоким ҳам, янғиси ҳам — ҳеч ким билмайди! Чунки бунда кўплаб кишиларнинг айби бор. Янги ҳоким бунини яхши билмади. Шунинг учун у ишни ҳар қандай жамиятни таназулга олиб борадиган бирламчи иллат — порахўрликка қарши курашдан бошлашга аҳд қилади.

Драматург воқеликдан олган таассуротлари субъектив бўлиши мумкинлигини сез-

ваторияга ўқишга кирганимдан сўнг дирижёрлик соҳасига астойдил берилганман.

Устозим Жўра Ҳотамов илк бор хор дирижёрлиги санъатидан сабоқ бера бошлаганида бу касбга ҳавас уйғонган. Албатта, ҳавас билан ижод жараёни ўртасида катта фарқ бор. Жаҳон классик операларида дирижёрлик қилган Герберт фон Караян, Леонардо Бернстайн, Карлос Клайберн, Жеймс Ливайн, Саймон Ретларнинг катта саҳналарда дирижёрлик қилганини кўриб, улардаги шижоат, дадилликка ҳавас қилганман. Ўзбек опера-симфоник дирижёрлиги мактабининг асосчиси, бутун бир авлоднинг ижрочилиги санъатига таъсир кўрсатган Мухтор Ашрафий ижодида меҳрим бўлакча. Мухтор Ашрафийнинг шогирди Владимир Неймер ва Сулаймон Шодмонов бу санъаткор ҳақида бизга кўп гапириб беришган. Устоз ҳам директор, ҳам бадиий раҳбар, айна пайтда консерватория ректори бўлган. “Бундай тигиз шароитда қачон мусиқа ёзишга улғурасиз?” деб сўраганида, “Эрта саҳарда туриб мусиқа ёзаман, саккиздан кундузги иккигача консерваторияда бўламан, кейин қолган ишларини битираман”, деб жавоб берган экан. Бу устознинг жуда фаол бўлганини кўрсатади.

— Бугун Опера ва балет театримизга чет эллик мухлислар ҳам таъриф буюришади. Шундай улғур



даргоҳда ишлаш сиз учун қанчалик масъулиятли?

— Дарҳақиқат, бизнинг театр Марказий, жанубий-шарқий Осиёдаги энг катта театр. Бу даргоҳда хор артис-

заман. Яъни саҳнадан таралаётган кудратни томошабинларга етказиб бераман. Ва улардан келаётган “энергия”ни, ички кечинмаларини сезиб тураман. Бу аjoyиб бир ҳолат! Мен қарсақ чалиш вақтини айтмаяпман. Бутун зал сукутда, томошани эшитиб, кўриб ўтирганида, ҳар бир томошабиннинг ҳолатини ҳис қиламан. Буни сўз билан ифодалаш мушкул. Спектаклдан сўнг таъзимга чиққаннимизда ҳар сафар “Нақадаж аjoyиб, бу дунёдаги энг зўр саҳна!” дейман. Шу даражага етишимга ўзининг катта ҳиссини кўшган устоз Владимир Неймердан миннатдорман. Бу инсон бутун бир дирижёрлар авлодини тарбиялаб етиштирган. Шогирдлари бугун ўзбек опера санъати, симфоник санъат хизматида.

Опера ва балет оламида жуда кўп саҳналар бор. Австриянинг Вена шаҳридаги “Вена опера”си, Америкада “Карнеги хол”... Бундай саҳналарда чиқиш ҳар қандай ижодкор учун шараф. Лекин ўзимизнинг театр саҳнаси мен учун муқаддас.

САНЪАТКОР — ҚАЛБ ШИФОКОРИ

тидан дирижёргача бўлган йўлни босиб ўтганман. Устозларимиз, раҳматли Дилбар Абдураҳмонова, устозимиз Фазлиддин ака Ёкубонов... Очиги, бирга ишлаётган пайтда ёнингиздаги одамларнинг буюклиги ҳақида ўйламас экансиз. Чунки ҳар кунни қўришамиз, ижодий мулоқотда бўламиз, билмаганимизни сўраймиз, билганимизга улар фикр билдириб, ижодимизнинг сайқалланишига ёрдам беришади. Шулар қаторида Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Шодмоновнинг ишчанлиги, ғайрати, меҳнатқашлиги қойил қоламан. Сулаймон ака: “Ҳар бир одамда битта виждон бўлса, мусиқада иккита виждон бор. Ҳам инсоний, ҳам мусиқачи сифатида виждони бўлиши керак”, дейди. Дирижёрнинг бирламчи вазифаси муаллифнинг ғоясини тўғри талқин қилиш. Шахсан мен саҳнага чиқганимда мусиқа янграши билан солист ва мухлис ўртасида воситачи эканлими сези-

— Нима учун дирижёрлик касбидан кўпроқ эркак кишиларни учратамиз?

— Биз гўзалликни аёлга, дадилликни, кучлиликни эркакларга қийслаймиз. Яъни эркак киши чўрткесар, аёл эса нозик бўлиши керак... Шахсан ўзим дирижёрликни эркаклар касби деб ўйлайман. Мустасно ҳолатлар ҳам бор: раҳматли биринчи ўзбек дирижёри Дилбар Абдураҳмоновани олайлик. Лекин у киши ҳаётда аёл бўлса ҳам пулътда эркак кишидек ҳаракатланарди. Америкалик машҳур дирижёр Сара Колдуэл, Вероника Дударева ҳам касбда эркакдек бўлган. Бундай санъаткорлар юз йилда бир марта учраши мумкин.

Такриз

неча воқеани ҳам киритган. Одатда раҳбар қабулхонасида турли-туман дардлари, муаммолари билан келган кишилар саф тортиб ўтиришади. Собиқ ҳокимнинг қабулига кирган кишилардан бири Чол бўлиб, уни безовта қилган масала “пахта солиғи”дир. Маълум бўлишича, “планга жижа етмай турибди”, деган узор билан ҳўжаликларга шундай солиқ солинган экан. Бу, қип-қизил абсурд, ақл бовар қилмайди, лекин яқин ўтмишимизда рўй берган воқеа. Пахтакор халқ ўша вақтларда қорёғир демай, чиллайи газарон демай, эрта саҳардан далага чиқиб, зулмат пардаси тушгунча қадар пахта экар, унга сув тарар, ўғит берад ва эрта кўздан қиш чилласи бошлангунча қадар “оқ олтин” терар, аммо шу машаққатли меҳнатига муносиб иш ҳақини олмасди. Давлат эса ер юзидаги аксар мамлакатларни ўзбек пахтаси билан таъминлаб, чўнтагини қаппайтирарди.

Наим КАРИМОВ, академик

ЭСКИ-ЯНГИ АСАР

дан бири шундай жавоб берибди: “Бу юртнинг одамлари ҳалол, бировнинг ҳақидаги ҳиёнат қилмайди. Шунинг учун унинг қарғиши ҳам, дуоси ҳам ижобатга ўтади”. Подшо айёр экан. Бундай жавобни эшитган, юртга: “Ҳар бир фуқаро биттадан тухум олиб, шаҳар майдонига қўйиб кетсин!” деб амру фармон берибди. Кимдир товуқ, кимдир ўрдақ, кимдир каптар тухумини олиб келибди. Тухум бир тепани ҳосил қилганида, яна буйруқ берибди: “Энди олиб кетилсин!” Каптар тухумини олиб келган товуқ тухумини, товуқ тухумини олиб келган ўрдақ тухумини олиб кетаверибди. Шу тарзда халқумига ҳаром аралашган халқнинг дуоси ҳам, қарғиши ҳам ижобатга ўтмайдиган бўлибди. Драматург томонидан топишган, гоҳ ижобий, гоҳ салбий қаҳрамон тилидан айтилган бу каби ривоятлар саҳнада тасвирланаётган воқеанинг қўлами ва моҳиятини беҳад кенгайтириб, унга глобал маъно бағишлаб туради.

Собиқ ҳоким билан Янги ҳоким ўзаро баҳслашар экан, аччиқ ҳақиқатни айтиш кўпинча улардан биринчисининг зиммасига тушади. Чунки у пок ниятларининг амалга ошишига нималар монелик қилганини яхши билади ва дадил айта олади. Шу масалада Янги ҳоким бироз журъатли, айна пайтда тилига эҳтиёт бўладиган, истиҳо-лани киши. Худди шу ҳол ижобийлик макомининг спектаклда Янги ҳокимдан Собиқ ҳокимга (ва аксинча) ўтиб туришига сабаб бўлади.

Драматург асарга яқин ўтмишда, собиқнинг ҳокимлик вақтида бўлиб ўтган бир



Ўзбек халқи андишали бўлгани учун давлатнинг бундай сиёсатини нотўғри, деб чиқмаган. Чиқиши ҳам мумкин эмас эди.

Чолдан кейин ҳоким қабул-лига маҳаллий шoirлардан Яшил Япроқ, ундан кейин янги кўприк лойиҳасини чизган Мухандис кириб келишарди. Агар шoirнинг дарди ёзган шеърларининг нашири учун қозғ сўраш бўлса, Мухандиснинг дарди-фироқи махсус комиссия томонидан тасдиқланган лойиҳани ҳоким назаридан ҳам ўтказиб, унга хушомадгўйлик қилишдир. Улардан кейин қабулга келган Аёлнинг дарди мутлақо ўзгача. Унинг тракторчи эри кўкнори экани учун саккиз йилга қамалган. Тўрт ойдан бери бечора аёлнинг учрашмаган одами қолмаган. Кимга учрашса, “Кўкнори экан бўлса, уни қамайми, медал берсинми?” дейди. Аёлнинг сўзларидан маълум бўлишича, уйда 86 ёшга кирган қайнотаси бор. Вилоятга донғи кетган Парпи пахсачи! Ёшлигидан “кўкнор ўлғур”га ўрганган экан. Шу бўлмаса, на чой ичади, на овқат ейди. Эри шу чол учун томорқасига уч туггина кўкнор қадаган экан.

Аёлнинг ғоят мушкул аҳволда эканини кўрган Собиқ ҳоким кўкнори масаласи жуда жиддийлигини яхши билишига қарамай, вилоят ҳукуқ-тартибот бўлими бошлиғига кўнрок қилади, бутун масъулиятни бўйнига олиб, Аёлнинг эрини озод қилиш ҳақида буйруқ беради.

Қабулхонага келган кишилар билан мулоқот Собиқ ҳокимнинг барча ижобий ва салбий томонларини дафъатан нурланти-

риб юборади. У лаганбардорларни, мустақил фикрга эга бўлмаган, аммо хушомадгўйлиги билан жамиятда илдиш отган, ўз ҳақ-ҳуқуқининг топталишига қарши бош кўтармаган кишиларни ёмон кўради. У йўл қўйган аксар хатолар, ўзининг эътироф этишича, “йўқ” дея олмаганида, юқоридан келган буйруқларнинг ноҳўя эканлигини билса-да, бажаришга мажбур бўлганидир.

Айблари шундан иборат бўлган кишиларнинг бир қисми баланд деворлар билан ўралган жойларда жазо муддатини ўтаётган бўлиши мумкин. Ҳозир мамлакатимизда кечаётган жараёнлар яқин ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, халқнинг соғлом муҳитда яшаш ва ишлашини кафолатлаш, фан ва маданият, қишлоқ ҳўжалиги ва сан'ат сингари мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини янги тараққиёт босқичига олиб чиқишга қаратилган. Шу маънода театр жамоасининг Шароф Бошбеков пьесаси асосида саҳналаштирилган янги спектаклдан бугуннинг, худди шу кунги даврнинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турибди.

Шуни айтиш керакки, Ўзбек давлат драма театрига режиссурамизнинг зарбаст вакили Олимжон Салимов келганидан кейин жамоа ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Актёрлар ансамбли мўътадиллашди. Театр репертуари янги ва яхши спектакллар билан бойиди. Қувонарлиси, О.Салимов Ш.Бошбеков сингари истеъдодли драматургларни театрга таклиф этиб, улар билан бирга янги саҳна асарларини яратиб бошлади. Бу режиссёр аввал саҳналаштирилган Карло Гольдонининг “Труффальдино — икки бойнинг малайи” спектакли билан ҳозирги ўзбек театрига янги ижро санъатини олиб кирган, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ажонларим” пьесаси асосидаги спектакли билан миллий комедия аъёнларининг давом эттирган эдики, бу икки ижро йўналишининг уйғунлашуви актёрлар маҳоратининг ўсишида муҳим омил бўлади.

Биз такриз қилаётган спектаклда Собиқ ҳоким ролини артист Б. Мирмаксудов, Янги ҳоким ролини И.Бердиев билан И.Мирзааҳмедов, Мухандис ролини Ўзбекистон халқ артисти Э. Носиров, Яшил Япроқ ролини Р.Аҳмедов ва И.Очилов, Чол ролини Ф.Жуманов, Аёл ролини Т.Мирмаксудова ва М.Хуррамова маҳорат билан ижро этдилар. Спектаклнинг томошабинларга манзур бўлишида рассом С.Чуфарнов, либосчи рассом Р.Йўлдошева, Бола ролининг ижроси И.Ҳикматжонов ва бошқаларнинг ҳам хизматлари оз эмас.

Дарвоқе, спектакль финалида собиқ ҳоким озод қилиниб, темир панжара ва эшиклар орасидан чиқиб келади. Шу пайт Аёлнинг кўз ёшларини кўрган Бола саҳнага югурганча келиб: “Нега онамни йиғлатдинг?” деб Собиққа дағдаға қилади. Бу, Ҳоким айтганидек, ўз ҳақини билган, отасинини ҳам ҳимоя қила оладиган янги авлоднинг овози эди.

— Дирижёрлик касбида бадиий адабиётнинг ўрни қандай? Умуман, китоб мутлоаси учун бўш вақтингиз борми?

— Мусиқада “легато”, “стакато” деган тушунчалар бор. Баъзилар дирижёрлик таёқчасини ишлатиш жуда осон, деб ўйлашади. 50/100 такт ичидаги мусиқани бошидан охиригача чалиш ҳар қандай мусиқачининг қўлидан келади. Лекин мусиқанинг ғоясини ифодалаб бериш, уни мантиқан ҳал қилиш, ечимини топишнинг улдасидан фақат дирижёр чиқади. Ижодкор билан хўнарманднинг фарқи ҳам шунда. Ҳақиқий ижодкор ҳар бир нарсани санъат даражасида яратмоғи керак. Санъаткорлар қалбни доволайди, у қалб шифокоридир. Ҳар бир асарнинг ўз дарди бўлади. Ана шу дардни ҳис этолган одамгина ҳақиқий санъаткордир. Ҳис этишда эса, албатта, китоб ёрдамга келади.

Консерваторияда ўқиб юрганимда жуда кўп китоб ўқир эдим. Театрда эси иш бошлангунча китоб ўқирдим. Ҳозир ҳам ижодимда китобнинг ўрни бекиёс. Бўш қолдим дегунча қўлимга китоб оламан. Пушкин, Лермонтов, Шекспир асарларини севиб ўқиганман. “Бобурнома”ни, “Темур тузуклари”ни қайта-қайта ўқиганман. Айна адабиёт мусиқадаги дардни ҳис қилишимга ёрдам беради.

— Халқаро танловлар ижодкорга нима беради?

— Шахсан мени бундай танловлар Ватаним севишга, тупроғининг ҳар бир заррасини кўз-қорачигимдек ардоқлашга ўргатади. Саҳнада юртимнинг, юртдошларимнинг ишончини оқлаш насиб қилишни, юзим ёруғ бўлишни Оллоҳдан сўраб тураман. Онам: “Инсон доим ишониб яшashi керак, агар ишонмасанг, орзуларинг амалга ошмайди, орзу амалга ошиши учун эса меҳнат қилиш керак”, дейди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, халқаро танловларда ижодкорнинг тақрибаси, ўзига ишончи ортади.

— Бобомурод ака, дирижёрлик жараёнида оркестр жамоаси ва актёрлар билан муносабат қандай кечади?

— Саҳнада олтмиш кишидан иборат хор, ўнга яқин солист бўлади.

Лекин дирижёр қўлини кўтармаса, ҳеч ким қўйлай олмайди. Шунинг учун дирижёрнинг хато қилишга ҳаққи йўқ. Чунки солистар ролга берилиб кетишганида ҳам кўз қири билан дирижёрга қараб туради. Дирижёр уларни кузатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб туриши, бошқариши керак. Бунинг масъулияти ниҳоятда катта. Муяссар Раз-

зокова, Нормўмин Султонов, Шукур Ғофуров, Аваз Ражабов, Кирилл Барчанинов каби санъаткорлар, Рустам Алимардонов, Умид Исроилов, Маъсума Болтабоева каби ёшлар билан бир саҳнада турганимизда, концерт бўладими, спектакль бўладими, бир-биримизни сўзсиз тушунамиз. Юрак тубидан чиқаётган товушларни дирижёр шифокор каби сезиши керак. Санъатда бирламчи мақсад — томошабинга яхши санъат асарини тақдим этиш. Бу йўлда театримиз солистлари билан кўп меҳнат қиламиз. Бундай инсонлар билан бир жамоада ишлаш мен учун шараф.

— Дирижёр бўлмоқчи бўлган ёшларга қандай тилакларингиз бор?

— Илья Александрович Мусин деган буюк устоз дирижёр Санкт-Петербург консерваториясида ижод қилган. Шу одамнинг қўлида тахсил олган ҳар икки ўқувчидан бири саҳна юлдузи бўлган. Ана шу санъаткорнинг ижодини чуқур ўрганиш ёшларга кўп нарс беради. Қолаверса, дирижёр биринчи ўринда мусиқани севиши керак, кўп тинглаши, китоб ўқиши керак. Хўшбичим, бўйи баланд бўлишнинг ўзи кам. Ҳозир кимда қомат, қиёфа бўлса, қўлига чўп туттиб дирижёр бўлишга ҳаракат қилапти. Ёшлар орасида дирижёрликка икки йил ўқиб, дирижёр бўлиб ишлашм керак, деган талабгорлар кўпаймоқда. Очигини айтганда, ҳозирча ҳар бир туманда оркестримиз йўқ. Шу сабаб, олифтаргачилик учун таёқ кўтариб юрадиган одам ҳақиқий дирижёр бўлолмайди. Бу касбни росмана севиб, чуқур тушуниб, тиним билмай изланган ёшлар орасидангина ҳақиқий дирижёр чиқади, деб ўйлайман.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА сўхбатлашди.

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ АНЖУМАНИ



Жажжи фарзандларимизни юксак маънавият, маданият қилиб тарбиялашда санъатнинг бошқа турлари қатори қўғирчоқ театрларининг ҳам ҳиссаси бор. Ҳафтанинг биринчи кунини Ўзбекистон давлат қўғирчоқ театри биносида Республика қўғирчоқ театрларининг XI аънавий кўрик-фестивали очилиши айнаи шу жиҳатдан муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган маъмур тадбирнинг очилишида сўзга чиққан Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари О.Назарбеков ва Театр арбоблари уюшмаси раиси Ё.Аҳмедов бугунги кунда маданиятимиз, хусусан, театрларимиз ривожини йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар санъат аҳлини фаолликка ундаётганини таъкидлашди.

Маданият ишлари вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган маъмур фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қатнашаётган жамоалар “Виртуал дунё” (Жиззах), “Сехрли табиб” (Самарқанд), “Мушукча Миу” (Қашқадарё), “Қирққиз” (Қорақалпоғистон), “Юрак сехри” (Хоразм), “Оққушлар нағми” (Фарғона), “Зумрад ва Қиммат” (Сурхондарё), “Турна пати” (Андижон), “Жалолиддин Мангуберди” (Бухоро), “Зумрад шаҳар сехргари” (Марнатка театри), “Тумарис” (Тошкент) каби спектакллари билан жажжи театр ихлосмандларини хурсанд қилмоқда.

Фестиваль доирасида Ўзбекистон давлат Қўғирчоқ театрида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтади. “Ўзбекистон қўғирчоқ театрлари: кеча ва бугун” деб номланган маъмур тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, доцент М.Ашурова, Хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор И.Жуманов, санъатшунослик фанлари доктори, профессор С.Қодировнинг қўғирчоқ театрларида режиссура, саҳна нутқи мавзуларидаги ҳамда фестивал натижалари ҳақидаги маърузалари тингланади.

Маъмур фестивал республикамизда фаолият кўрсатаётган барча қўғирчоқ театрлари фаолиятига самарали таъсир кўрсатади, деган умиддамиз.

Ўз ахборотимиз

ЖАНГОВАР КАБУТАРЛАР

Сохибқирон Амир Темур фаолиятининг қайси қиррасини олиб қараманг, барчасининг асос-замирида адолат ётишига гувоҳ бўласиз. Ҳатто улкан ҳарбий юришлар ва юрт сарҳадларидан олисда кечган шиддатли жанглор тафсилоти ўрганилса, бу муҳорабалар ҳам адолатни устувор этиш ёки қайсидир жиноятга адолатли жазо тариқасида юз бергани аён бўлади. Бинобарин, дунё тарихида Сохибқирон Амир Темурдек адолат соҳиби камдан-кам топилиши тарихчилар томонидан ақдил эътироф этилган.

Қуйидаги воқеа халқ хотирасида, оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша бугунгача сақланиб келган. Ҳозирча бу мавзу "қўхна манбаларда қайд этилган тарихий маълумот" сифатида махсус ўрганилмаган. Ҳар ҳолда, фактлар ва мантиққа суянилса, тарихий ҳақиқатлар юзага чиқаверади.

Маълумки, бундан олти аср муқаддам, ҳозирги Россиянинг катта қисми Олтин Ўрда давлати таркибида бўлган. Унинг ҳукмдори Тўхтамишхон жаҳонгирлик даъвосида Туркистон шаҳарларига ҳам ўқтин-ўқтин хуруж қилиб турган. Сохибқирон Амир Темурнинг масалани тинч йўл билан ҳал этиш мақсадидаги саяё-ҳаракатлари натижа бермагач, Тўхтамишхонга қарши ҳарбий юриш қилишга мажбур бўлади.

Амир Темур қўшини Дон ва Днепр бўйларидagi кенг даштлардан ўтиб, ҳозирги Львов шаҳрига яқинлашади. Турган гапки, шаҳарда Сохибқироннинг жанговар қўшинига қарши тура оладиган куч бўлмаган. Аҳоли ўртасида ваҳима бошланади. Қўллангидек, кўп ўтмай, илгор қисмлар шаҳарга кириб кела бошлайди.

Бойлар топан-тутганини пешкаш қилиб, жаҳонгирдан шафқат сўрашади. Аммо шаҳар аҳлининг ночор аҳволини қўриб, Сохибқирон

олинажак ўлпондан воз кечади. У пайтлар Львов кичик ва кўрimsиз кўргон бўлган. Томига похол бостирилган украинча уйларнинг бўғотида каптарлар кўп эди (негадир ҳозир ҳам у шаҳарда каптар мўл).

Қўтилмаганда Сохибқирон, ҳар бир хонадондан атиги биттадан... каптар олишга амр этади. Унинг мурувватидан ҳайратланган ерлик аҳоли бу ғалати талабни шу заҳоти бажо келтиришади. Ваҳоланки, ўша давр одағига кўра, шаҳарларнинг катта тўлов бериши одатий ҳол бўлган.

Хуллас, беҳисоб қўшин тинч аҳолига зийн-заҳмат етказмай, бир неча кун давомида шаҳар ёнидан кети узилмай ўтиб туришади. Илгор жанговар қисмлар эзлик-юз қақирим масофага узоқлашиб кетади. Ниҳоят, бир ҳафтадан сўнг қўшин ортидан кўч-кўрон юкланган аравалар, чорва ҳамда хўжалик хизматчилари ўтаётганида, шаҳар аҳлининг фикри бузилади. "Бу саҳройи босқинчи бизнинг дру-

жинамиздан кўрқди. Шу сабабли дурустроқ ўлпон сўрашга ҳам ботина олмайди", — деб дадиллана бошлайдилар.

Инсоннинг феъли қизиқ-да. Кечагина жонлари омон қолиши учун бор-будидан воз кечишга тайёр турган шаҳарликлар ҳатто, қўшин ортидаги карвонга ҳужум қилиб, бир неча хизматчиларни нобуд этадилар.

Бу нохуш хабар тезда Сохибқиронга етиб боради.

Шундай ҳодиса содир бўлиши мумкинлигини Амир Темур олдиндан сезган эди. Аммо қўшин шаҳардан жуда олислаб кетган, ношукрларни жазолаш учун орта қайтилса, анча вақт

бой берилади. Қолаверса, хиёнатчилар Сохибқироннинг улкан ва жанговар қўшинига арзирли рақиб ҳам эмас.

Шунда Амир Темур шаҳар аҳли берган каптарларни ишга солади. От ёғи шимдирилган матодан узун-узун тасмалар қирқиб, каптарларнинг оёғига боғлашни, сўнгра уларни ёқиб, каптарларни учиритишни буюради. От ёғи шимдирилган тасма секин ёнар, аммо шамолда ўчмас экан. Тез орада ҳар бир каптар ўз маконига, яъни похол тоملарга бориб қўлади. Шу заҳоти ёнғин чиқиб, тезда бутун шаҳар даҳшатли олов ичида қолади...

Бу ривоятни ҳарбий сафдошим ҳикоя қилиб берган эди. "Шу тариқа сизнинг катта бобонгиз бизнинг одамларни жазолаган, — деган эди украин дўстим ўшанда. — Очиғини айтганда, айб ўзимиздан ўтган. Бизникилар келишувга хиёнат қилишган. Буни кеңириб бўладими? Адолат Амир Темур томонида бўлган. Ўша давр талабларидан келиб чиққанда, Амир

Темур бундан ҳам қаттиқроқ жазони қўллашга ҳақли эди..."

Хизматдош дўстим айтиб берган бу воқеа менда катта таассурот қолдирди. Ватандан узоқда, Фарбий Украина томонларда бобомиз ҳақида шундай ғаройиб ривоят бугунгача сақлангани қизиқ. Демак, Кавказ, Волгабўйи ва яқин Шарқ мамлакатларида ҳам улуг бобомиз ҳақида юқоридаги каби қизиқарли маълумот ва ривоятлар топилса ажаб эмас...

Орадан анча йиллар ўтгач, улуг Сохибқирон Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни ҳолис ўрганиши имконияти пайдо бўлди. Хусусан, Ибн Арабшоҳ ва бошқа муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Сохибқирон ўзиндан омонлик сўраган кучсиз рақибларига доимо

шафқатли ва кечиримли бўлган. Айниқса, обод ва кўркем, илм-мада-

нияти гуркираб яшнаган, маъмур шаҳар ва кентларни, вилоятларни гораг қилишдан ўзини тийган. Унинг бундай олижаноб феълидан бохабар юрт арконлари пешвоз чиқиб, пешкашлар қилиб, ўз халқига омонлик тилар эди. Икки орада сулҳ тузилиб, Темурбек қўшини йўлида давом этар эди. Бу тарихий маълумот, юқоридаги ҳикоя — Львовда юз берган воқеани мантиқий ҳамда адолат нуқтаи-назаридан англашда қўл келади.

Львовлик хизматдошим сўзлаб берган воқеа тахминан қайси йилларда кечганини аниқлашга ҳаракат қилдим. Тарихий манбалар ва олимлар бисотини ўрганиш асносида, бу масалага аста-секин ойдинлик киргандек бўлди.

1395 йили Амир Темур хиёнаткор Тўхтамишхонга қарши учинчи марта жанг бошлашга мажбур бўлди. Шу йилнинг 10 апрелида Доғистондаги Терек дарёси бўйида кечган оғир жанг Сохибқироннинг ғалабаси билан якунланди.

Амир Темур Тўхтамишхонни эндиликда сиёсат майдонидан бутунлай суриб ташлашга аҳд қилиб, Олтин Ўрдадан Днепр томонидаги ғарбий улусларига боришга қарор қилади.

Турон қўшини чекинаётган Тўхтамишхонни таъқиб қилиб, Олтин Ўрда пойтахти Сарой Беркани эгаллайди. Шундан сўнг Сохибқирон тутқич бермаётган Тўхтамишхон ортидан шимол сари юришда давом этади. Тўхтамишхон ҳозирги Москва шаҳридан нарига — бепоев ўрмонларга сингиб, ғойиб бўлади.

Тарихий манбаларда ёзилишича, шундан сўнг Сохибқирон ортага бурилиб, ғарбда Днепр(ғозирги Львов шаҳрига)ча бўлган ерларни ишғол қилади. Чунки бу худудлар Олтин Ўрда ҳукмдорларига қарашли бўлиб, ҳозирги ҳарбий ибора билан айтганда, "фронт орти хавфсизлигини таъминлаш" Амир Темур учун муҳим эди.

Демак, юқоридаги ривоятда келтирилган воқеа тахминан 1395 йилда, Амир Темурнинг Олтин Ўрдага қарши учинчи юриши пайтида содир бўлган.

Кези келганда айтиш лозимки, Сохибқироннинг 1395 йилда Тўхтамишхон устидан қозongan ғалабаси тарихан жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Зотан Амир Темур томонидан Тўхтамишхонга берилган сўнгги қарордан сўнг Олтин Ўрда қайта ўзига келмади ва иккинчи даражали давлатга айланиб қолди. Унинг қўл остида қарийб 170 йилдан буюн асосатда ётган халқлар, жумладан рус халқи учун ҳам истиқбол йўллари очилди.

Бу ҳақда А.Ю. Якубовский шундай деб ёзади: "1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан қозongan ғалабаси... фақат Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги жануби-шарқий Европа учунгина эмас, балки Русь учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди..."

Бахтиёр ХАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Таниқли шоир, жамоат арбоби Носир Мухаммад кўп йиллар кўхна тарихнинг сирли зарваракларини мутулаа қилиш, тадқиқ этиш, бўлиб ўтган воқеаларга ойдинлик киритиш борасида қизғин фаолият олиб борган адибларимиздан эди. Унинг "Сирли зарвараклар" ("Ўзбекистон" нашриёти) номли китобига тарихий этювлари жамланган. Ушбу янги тадқиқотларда буюк алломалар сабоқлари, "Зафарнома" ва унинг муаллифи, Насафийларнинг бебаҳо мероси, мумтоз адабиётимизда туюқ жанри, Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий, Темурийлар даврида кутубхона, Алишер Навоий аждоқлари, машҳур кутубхоналар, илм масканлари сингари турли ва ғоятда қизиқарли мавзулар аниқ факт ва саналар, қўл ёзмалар, манбалар асосида ёритилган. Жумладан, "Мангуберди ҳаёти ва курашлари" номли тарихий этюдда муаллиф Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида мўғул босқинчилигига қарши курашда мислсиз жасорат кўрсатган миллий қаҳрамонимиз



Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятига оид жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган бир неча тарихий лавҳаларни қаламга олган. Мазкур асарнинг яратилишига туртки берган омишлар ҳақида сўз юритиб, адиб шундай ёзади: "1976-1979 йиллари Эронда шўро мутахассисларининг форс тили таржимони бўлиб ишладим. Бўш пайтларимда китоб дўконларини айланар, тарихимизга ва маданиятимизга оид манбаларни қидирав эдим... Шундай кунларнинг бирида Шаҳобиддин ан-Насавийнинг

Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва курашлари ҳақидаги "Сийрат ус-султон Жалолиддин Мангуберди" деб номланган китоби қўлимга тушиб қолди... Хуллас, бу китоб менинг доимий ҳамроҳимга айланади. Ундан дафтаримга анчагина кўчирмалар қилиб олдим. Жалолиддин эса менинг севимли қаҳрамоним бўлиб қолди". "Сирли зарвараклар" китобидаги "Мангубердининг ҳаёти ва курашлари" тарихий этюдидан эътиборингизга тақдим этилаётган "Номангум мақбара" лавҳасида ҳам мозийдан ҳикоя қилинади.

НОМАНГУМ МАҚБАРА

Тарихдан бизга маълумки, айрим шоҳлар ва саркардаларнинг дафн этилган жойлари ниҳоятда сир сақланган. Душманлари таҳқиридан чўчиган ҳукмдорларнинг сўнгги хоҳишлари шундай бўлган. Ривоят қилишларича, Чингизхонни дафн этган қишлар ва қўриқларнинг барчаси ўлдирилган. Бирорта ҳам гувоҳ омон қолмаган. Ҳозиргача жаҳонгир қабрини қидириш давом этади. Македониялик

Искандарнинг ҳам қаерга дафн этилганлиги маълум эмас. ...Султон Алоиддин Мухаммад Ҳазар (ҳозирги Каспий) денгизидagi ороллардан бирига дафн этилган эди. Жалолиддин Мангуберди Эроннинг бир қисми ва Озарбайжонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлагач, отаси учун Исфаҳонда муносаб бир мақбара қўридишни режалаштирди. Насавийнинг ёзишича, бу ғоя унда Хилот (Ахлот) шаҳрини қамал қилиб турган пайтида туғилди. Ўша пайтда Хилот ал-Малик ал-Ашраф (Айюбийлар сулоласи) ихтиёрида эди. Ван қўли бўйида жойлашган бу шаҳар Айюбийларнинг асосий таянч нуқталаридан бирига айланганди. Жалолиддин бу шаҳарни уч марта қамал қилди. Биринчи марта 1226 йил ноябрда, иккинчи марта 1228 йил қишда ва учинчи марта 1229 йил августидан 1230 йил

апрелигача. Учинчи қамалдан сўнг шаҳар таслим бўлди. Ҳар ҳолда Насавий айтган қамал иккинчиси ёки учинчиси бўлса керак. Насавий шундай ёзади: «У (Жалолиддин) амири охур Муқаррабиддинга Исфаҳонга бориб, мақбара қўришга киришишни топширди. Бинода барча зарурий хоналар,

Тарих ва тақдир

тахоратхона ва бошқа хоналар қўрилиши кўзда тутилганди. Қўрилиши бошлаш учун султон унга 30 минг динар берди. Сўнгра Ироқ вазирига хат ёзиб, қўрилишни тугатиш учун зарурий маблағларни девон даромадлари ҳисобидан бериб туришни топширди. Бино ашёлари, яъни шамдонлар, тоғоралар, идишлар олтиндан тайёрланиши, эшик олдида отлик соқчилар навбатда туриши зарурилик кўрсатилган эди. Муқаррабиддин Исфаҳонга кетиб, қўрилишни бошлаб юборди. Мен у ерга 4 ойдан кейин бордим ва мақбара деворлари бирпасда одам бўйи кўтарилганлигини кўрдим...» Шундан сўнг Жалолиддин Мозандарон туманларидан бири — Сария ҳокими, аммаси Шох хотунга мактуб ёзади. Шох хотун Мозандарон ҳокимларидан бири —



Ардашер ибн ал-Ҳасанга турмушга чиққан, унинг вафотидан сўнг ҳокимлиқни ўз зиммасига олган эди. Мактубда Мозандароннинг ҳокимлари, амирлари ва таниқли кишилари билан бирга бориб, отасининг хокими оролдан қазиб олиб, Ардахн қалъасига келтириш сўралган эди. Рай шаҳридан уч кунлик йўлда бўлган, Дамованд билан Мозандарон ўртасидаги тоғларда қўрилган мустаҳкам бу қалъа энг беҳавотир жой деб

ҳисобланарди. Исфаҳондаги мақбара битгунча Хоразмшоҳнинг жасади шу ерда туриши, сўнгра тантана билан ўзига аталган мақбарада дафн этилиши лозим эди.

Насавий бу фикрга қарши бўлса-да, шубҳаларини Жалолиддинга очик айта олмайди. Муқаррабиддинга эса фикрини шундай баён этади: мўғулларда илгари ўтган барча подшоҳларнинг суякларини қабрдан қазиб олиб, ёки юбориш одати бор эмиш. Фазнида Махмуд Фазнавий мақбараси ҳам худди шу қисматга дучор қилинган. Хоразмшоҳ қабрини тополмаганликлари учун бу ишни қилолмаганлар. Энди эса унинг қабри — сўнгги маскани маълум бўлиб қолапти...

Аммо Насавийнинг хавотири Муқаррабиддинга ҳам ёқмайди. Пировардида эса бу шубҳалар тўғри бўлиб чиқади! Жалолиддин фожияли ҳалок бўлган, мўғуллар Ардахн қалъасини қамал қилдилар ва Султон Алоиддиннинг суякларини қўлга қирғатдилар. Кўп ўтмай Чингизхоннинг амри билан бу суяклар ёкиб юборилди.

Ҳўш, Исфаҳонда қўрилаётган мақбара нима бўлди, деган савол туғилади? У қўрилди ёки чала қолиб кетди? Афсуски, Исфаҳонга бориб буни аниқлашнинг имкони бўлмади. Ўша пайтда «Эроннинг тарихий бинолари ва қадимий маконлари рўйхати» номли китоб қўлимга тушиб қолган эди. Унда қайд этилган «Буқъаи шоҳи шоҳон» (Шоҳлар шоҳи мақбараси) деган бино тарихи диққатимни жалб этди. Жумладан, китобда шундай сатрлар битилган эди: «Бу мақбара Исфаҳоннинг машҳур мақбараларидан бири бўлиб, пештоқидаги ёзувларига кўра, хижрий IX асрда яшаган шоҳ Алоиддин Мухаммад бу ерда дафн қилинган. Бинонинг асли Темурийлар даврига тааллуқли бўлиб, Сафавий султонлар замонида таъмирланган. Мақбара рангли қошинлари, ганч ўймакорлиги ва ёзувлари гўзаллиги ҳамда нафосати билан диққатни жалб этади...»

Бу тасвирдан кўриниб турибдики, мазкур мақбара Хоразмшоҳ учун қўрилган бино бўлса керак. Фақат унинг яшаган йили нотўғри кўрсатилган. Эҳтимол, бу бинонинг қўриб битказилган ёки таъмирланган йилидир. Чала қолган бино темурийзодалар кўрсатмаси билан қўриб битказилган бўлиши ҳам мумкин. Қолаверса, хижрий IX асрда яшаган бошқа Алоиддин Мухаммад исмли шоҳ йўқ. «Шоҳлар шоҳи» деган таъриф ҳам Хоразмшоҳ ҳақида гап кетаётганлигидан далолат бериб турибди...



Фарзандларимиз орзиқиб кутадиغان ёз фасли авж паллада. Ёзги таътилга чиққан болаларни сўлим оромгоҳлар ўз бағрига қорлаётир. Ҳар йили юзлаб болаларга қувонч бағишлаётган шундай масканлардан бири Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Оқтош» оромгоҳидир. Айни кунларда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига қарашли мазкур дам олиш масканида Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган болалар мириқиб қордиқ чиқаришмоқда. Баланд тоғлар, муздек булоқлар, шарқираб оқаётган сувлар одамнинг бахридилини очади. Айниқса, бу ерга ташриф буюраётган таниқли ижодкорлар билан учрашувлар болаларда катта таассурот қолдираётир.

Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона бош мутахассиси, «Ўзбекистон-Россия» дўстлик жамияти бошқаруви аъзоси Муҳтарам Муродовани болалар билан китоблар ҳақида суҳбат қуриш учун ажратилган шиман жойда учратдик. «Очиғи, болалар бизни шундай қизгин қутиб олади, деб ўйламагандик, — дейди М.Муродова. — Бу ерда одамнинг нафакат тани, балки қалби ҳам роҳатланади. Кутубхонамиз ҳақидаги тафсилотларни болалар диққат ва қизиқиш билан тингланглари бизни хурсанд қилди. Улар кўп нарсани билишга, улуг аждоқларимизга муносиб ворис бўлишга интилаётганларини кўриб қувондик. Алишер Навоий асарлари ва улуг шоир ҳақида китоб ёзган инсонлар ҳақидаги ўнлаб саволларимизга жавоб берман, деб кўтарилаётган беҳисоб қўлларни кўриб биз кутубхона ходимларининг боши осмонга етди. Оромгоҳга тақдим этилган кутубхонамиз ҳақида ҳикоя қилувчи фильм бизнинг даргоҳ билан болалар ўртасидаги дўстликнинг бошланиши, деб биламан.

Ф.ФАХРУДИНОВА

Ўзбекистон Бадий академияси Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ рессоми	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр
Муборак Йўлдошев нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.	Мадамин Жўраев нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижод уйи жамоаси нашриёт Бош муҳаррири Азимбой Бобонизовга отаси	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Агентлик масъул ходими Ҳабиб Абдиевга акиси
Йўлдош отанин г вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.	Эркин Абдиев нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳа.и.қор.лари.и.ш.з:
ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati
Манзилсимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилсимиз: uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁР
Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайдиган. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.35
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 6045. Бюрогма Г — 782. Ҳажми — 3 босма таъаб А-2. Навр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6
ЖУМА КУНАЛИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2183-614X
9 772183 614400